O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 29 oktyabr, juma

19 (300) son


## ТИКЛАНИШНИ ФИДОЙИЛАР УДДАЛАЙДИ

Эзгуликка интилган, кўнгли яхши амалларга мойил, халқ хизматидан қочмайдиган инсонлар ҳамиша элнинг назарида бўладилар. Элнинг ҳурмат-эътибори эса, инсонни тобора юқори пояларга кўтариб боради.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Абдунаби Сиддиқов ҳам 36 йилдан буён сув хўжалиги соҳасида ишлаб, халқнинг оғирини енгил қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган инсонлардан бири. У иш фаолиятини Оҳангарон дарёси туманлараро каналлар бошқармасида техник, муҳандис-гидрометр, техник-гидрометр вазифаларидан бошлаган Абдунаби Сиддиқов 2003 йилдан бошлаб «Оҳангарон-Далварзин» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.



Абдунаби Сиддиқов ўз соҳасининг тажрибали мутахассиси бўлиши билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий Тикланиш Демократик партиясининг аъзоси, партиянинг Пискент туман Кенгаши раиси сифатида ҳам кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши конференциясида Абдунаби Сиддиқов ҳам сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини баён этди. Мулоҳазалар давомида партия ҳаракат дастурини соддароқ тилда аҳолига етказиш, тарғибот ишларини кенгайтириш таклифини киритиш билан бирга ўз соҳасидан келиб чиқиб, сувни тежаш ва бунинг натижасида кўриладиган яхши ҳолатлар ҳақида айтиб ўтди.

Шу тадбирдан кейинроқ қўлимга «Пискент ҳаёти» газетасининг баҳор ойларидаги сони тушиб қолди. Унда Абдунаби Сиддиқов билан қилинган суҳбат берилган экан. Суҳбатни ўқиш давомида бу инсоннинг тарих, археология, адабиётдан ҳам яхшигина хабардор эканлиги, хусусан, Пискент тарихининг билимдони эканига гувоҳ бўлдим. Саволларга жавоб берар экан «Пискентнинг эски номи Бискант-(бист-тожикча йигирма, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк»идан канд-туркча шаҳар, вилоят деганидир) йигирма шаҳар демакдир. Ҳақиқатан ҳам мен академик Ю.Ф.Буряков, М.Е.-Массон асарларини ўқиб, ўзим ўрганиб чиққан Пискент атрофида 20 та катта қўрғонлар ёки эски шаҳар қолдиқларини жойида кўриб, ўрганиб чиқдим. Улар Пискент атрофини 5-15 километр атрофида ўраб олган. Бу шаҳарлар қадимда Бискентта бўйсунгани учун шаҳримиз Бискент деб номланган бўлиши мумкин.

...Пискент, Шош(Тошкент) тарихи ҳақида ўқиган асарларим рўйхатини олганман. Аллоҳ насиб қилса, Пискент тарихи ҳақида китоб ёзмоқчиман» деб ўтади.Конференциядаги жонли таклифлар билан чиқиш, «Пискент ҳаёти» газетасидаги атрофлича суҳбат сабабли биз ҳам Абдунаби Сиддиқов билан сув хўжалигига доир масалалар, шу билан бирга партия ҳаёти бўйича суҳбатлашдик, у кишининг иш фаолиятига қизиқдик.

—Тажрибали мутахассис сифатида сарфланаётган сув меъёрлари ҳақида нима дея оласиз? Биздаги сув сарфи миқдорини тежаш мумкинми?

—36 йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, суғоришга берилаётган сувнинг 30 фоизини тежаш мумкин. Иш фаолиятим давомида гувоҳ бўлганман-қурғоқчилик, сув кам йилларда режалар бажарилиб келинган, бунга сабаб, бундай паллада ишга масъулият ошади. Сув кўп йилларда эса, сувчилар аксарият беэътибор бўлишади, бу эса ўз навбатида ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Ҳукуматимизнинг сувчиларга жуда яхши эътибор бераётгани бежиз эмас.Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Экологиянинг бузилиши, бунинг натижасида тоза ичимлик суви танқислигига саноат корхоналарини айбдор қилиб ўрганиб қолганмиз.Тўғри, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бу ҳолатларга ўзимиз ҳам жавобгармиз. Ичимлик суви оқадиган ариқларга ахлат, турли чиқиндилар тўкамиз. Бу билан ўзимиз нафас олаётган ҳавони ҳам булғаётганимизни билиб турсак-да, лоқайдлик қиламиз. Ваҳоланки, бобо-момоларимиз ўша ариқлардан сув ичганлар. Ҳар не бўлганда ҳам сув, умуман, борлиқдаги исрофгарчиликлар учун барчамиз бирдек жавобгармиз.

—Партиянинг бугунги кундаги нуфузи, туман Кенгашида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— «Миллий тикланиш» партиясига билимли, дунёқараши кенг, омма орасида обрў-эътиборга эга кишилар киришаётир, бу қувончли ҳолат. Партия сафида халқнинг талаб ва эҳтиёжларини олдиндан била оладиган, эл дардига жойнинг ўзида малҳам топа биладиган фидойи аъзоларнинг бўлиши айни муддаодир. Зеро, тикланишни фидойилар уддалайди.

Ҳозирда туманимизда партия аъзолари 512 тага етди. Партиянинг 21та таянч нуқталари мавжуд.Туманимизда Ўткир Омонов, Отабек Зокиров, Обид Рустамов, Шуҳрат Жўраев, Башорат Сатторова каби фидойи аъзоларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир қатор эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқдаки, бу- фуқароларимизнинг партиямизга ишончини кучайтиради. Ҳозирги сайловолди жараёнларда бизнинг асосий вазифамиз ҳам партия ҳар доим халқ билан биргалигини, шу юрт инсонларининг дарди билан яшашини, унинг муаммоларини ҳал қилишда кўмакдош эканлигини кўрсата олишдир.

Суҳбатдошимизнинг бу гаплари асло баландпарвоз сўзлар эмас.Сўзимизнинг якунида юқорида айтиб ўтилган «Пискент ҳаёти» газетасида берилган Абдунаби Сиддиқовнинг сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик. «Инсон ҳаёт экан, доимо эзгуликка , яхшиликка интилиб яшайди. Бу ҳам саодатдир. Орзулар олами кенг. Худойим насиб этса, Пискент ҳақида китоб ёзсам... Истагим, аввало, илм даргоҳларида ҳурматли устозларни моддий-маънавий томондан қадди, обрўси янада тикланса, маошлари оширилса. Ўқитувчиликка энг саводли, жонкуяр, фидойи инсонлар кириб келиши кўпайса, болаларимиз саводли, ўқимишли, имони бутун бўлиб, ҳамма ҳавас қиладиган даражада бўлишса...»

Бу сўзларни ўқир эканмиз, «Миллий тикланиш» партияси чинданда зиёлилар партияси эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Зумрад ВАҲОБОВА**
**суҳбатлашди.**



### «Дўрмон» узумини еганмисиз?

*Деҳқончиликнинг сиру асрорларини пухта ўрганган, бой тажрибага эга Хусанбой Абдуқодировни ҳар сафар дала бошида учратамиз. Қибрай туманининг «Дўрмон» ширкат хўжалигида кўп йиллардан бери деҳқончилик қилиб келаётган бош пудратчи Хусанбой аканинг янги режалари билан қизиқдик.*

*Биргина жорий йилнинг ўзида у киши бошчилик қилаётган пудратчилар ўзларига қарашли бўлган 40 гектар ер майдонидан 52 центнер ғалла ҳосили олишга муваффақ бўлишибди.Омад ютуқлар калити меҳнатда эканлигини яхши билган одамнинг қўлида ахир.*

*— 16 гектар токзордан 50 тонна ҳосил олдик,—дейди суҳбатдошимиз.—Даромад ҳам шунга яраша бўлади энди.Оилавий пудратчиларимиз ҳам бу йилги меҳнат ғалабасидан мамнун.*

*Хўжалик далаларини айландик.Боғдорчиликка ихтисослашган бригадаларда бўлдик. Анча йиллардан буён хўжаликнинг экин майдонларида пахта, ғалла,бундан ташқари узум ва бошқа мевалар ҳам етиштирилади.— Кўзимиз қувонди. Кузда, ғалвир сувдан кўтарилган паллада деҳқонни табриклашга нима етсин. «Ҳорманг, толманг! Кузини берсин, деб бекорга айтмаган боболаримиз» деб сафаримизга якун ясадик.*

**Нўмонжон Муҳаммаджонов**

## ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

ЎзМТДПнинг III қурултойини ўтказиш ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қурултой кун тартиби бўйича тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Йиғилишда партия етакчилари Хуршид Дўстмуҳаммад, Иброҳим Ғафуров, Шарифа Салимова, Ўткир Ҳошимов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ишчи гуруҳнинг қурултойга тайёргарлик бўйича тадбирлари маъқулланди ва зарур вазифалар белгиланди.

**(Ўз мухбиримиз).**

# ДАВЛАТИМ ТИЛИ

**(Давоми. Боши ўтган сонда.)**

### ЛОТИНЧАГА ЎТИШ ЖУМБОҒИ

Бу сўзларни кўриб, баъзи газетхонлар «лотинча алифбога ўтишнинг Давлат тилига нима алоқаси бор?» дейишлари мумкин. Давлат тили билан лотин алифбосига ўтиш орасида билвосита эмас, бевосита алоқа мавжуд. Бу икки тадбир, — Давлат тилини ривожлантириш ва лотинча ёзувни киритиш, — ягона мақсадга хизмат қилади: у ҳам бўлса ўзбек тилининг халқаро мавқеини кўтариш, ўзбек халқи ва ўзбек тилини бутун дунёга мумкин қадар кенг ва мумкин қадар тез суръатларда танитишдир. VII асрдан то XX асрнинг йигирманчи йилларигача халқимиз араб ёзувидан фойдаланган. Араб ёзувидан фойдаланадиган халқлар Ер юзи аҳолисининг ўн беш-ўн олти фоизини ташкил этади, холос. XX асрнинг йигирманчи йилларида йирик озарбойжон маърифатпарвари ва жамоат арбоби Наримон Наримонов ва унинг ҳамфикрлари «социализмни илғор фан ва техникага асосланибгина қуриш мумкин. Илғор фан, техника ва технология эса Ғарбда. Илғор Ғарб халқлари лотин ёзувидан фойдаланадилар. Биз кейинги ўн уч аср давомида фойдаланган араб алифбоси социализм қуриш ишига ярамайди, чунки бу алифбо асосан қолоқ мустамлака ва қарам мамлакатлар алифбоси эканлиги шубҳасиз. Совет мусулмонлари социалистик тузум асосида илғор мамлакатлар ва халқлар қаторидан жой олсин учун биз лотин ёзувига кўчишимиз керак» деган шиорни ўртага ташладилар, туркийзабон халқларнинг янгиликка интилишда мисли кўрилмаган даражада руҳланишига олиб келдилар.

Арабча ёзувдан лотинча ёзувга кўчиш осон бўлгани йўқ, чунки араб алифбоси ўн уч аср давомида халқимизнинг онгига, турмуш тарзига, менталитетига сингиб кетган эди. Араб ҳарфининг ҳар бир чизиғи ёки нуқтаси, севгилининг холи, қоши, киприклари, қомати, ҳаётнинг, инсоннинг нозик сифатларини ифода этишга хизмат қилган. Муқаддас Қуръони Карим араб ёзувида битилган, буюк аждодларимиз Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва ўнлаб бошқа мутафаккирлар шу ёзувда ижод қилганлар ва инсоният маданиятини безаб турган машҳур асарларни яратганлар. Лекин, халқимизда янгилик томон, замоннинг илғор давлатлари қаторига кўтарилиш иштиёқи зўр эди ва 1929 йил 1 сентябридан Ўзбекистоннинг барча мактабларида дарслар лотинча ёзув асосида бошланди. Бу ўзгаришга қаршилар кўп эди ва уларни танқид қилувчиларнинг лапарларидан бирида бундай дейиларди:

«Айланаман нозигим, ўргиламан, нозигим...

Лотинчадан гап очманг, мен ўламан, нозигим...»

Лотинчани яхши қабул қилганлар эса бошқача лапар айтишарди:

«У токчада лотинча-ё, бу токчада — лотинча,

Бу замоннинг қизлари бир-биридан отинча-ё, бирбирдан отинча...»

1929 — 1940 йиллар оралиғида лотинча ёзувга асосланган ўзбек алифбоси халқимиз онгида чуқур инқилобий ўзгаришлар ясади. Халқимиз орасидан Абдулла Қодирий, Ғайратий, Ҳусайн Шамс, Зиё Саид, Ғулом Зафарий, Сотти Ҳусайн, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Акмал Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Комил Яшин, Ғафур Ғулом, Уйғун, Ҳамид Олимжон каби ўнлаб, юзлаб буюк шуур эгалари чиқа бошлади. Шундай руҳан кўтаринкилик шароитида ўқтин-ўқтин ҳаётимизнинг мусаффо осмонида қора булутлар пайдо бўлар ва биз, ёшлар, не сабабдан Сотти Ҳусайнни ёки Ҳусайн Шамсни, Файзулла Хўжаев ёки Акмал Икромовни орамиздан юлиб олинганини билолмай, ҳайроналикка чўмар эдик. Афсуски, ўша ўн бир йил давом этган «лотинча йиллар»да таржима қилиб чоп этилган, ёки ўз ёзувчиларимиз, драматургларимиз, ҳикоянависларимиз, журналистларимиз, ижодкор зиёлиларимиз яратган юзлаб ва минглаб катта ё кичик, йирик ёки майда асарлар 1953 йилгача бўлган даврда ёқиб ташланди, кулга айлантирилди. Аҳвол шу даражага етган эдики, 1956 йилда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини қайта нашр этишга рухсат берилганда, Ўзбекистоннинг бирорта кутубхонасида бу асар сақланмаганлиги, барча нусхалари юқоридан берилган кўрсатма асосида ёқиб ташланганлиги маълум бўлган эди. Бу аҳволдан йўл топиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти томонидан профессор Иззат Султон бошчилигида ташкил қилинган махсус гуруҳ Ленинграддаги Салтиков — Шчедрин номидаги кутубхонанинг ёпиқ фондида ишлаб, бу роман матнини қўлда кўчириб Тошкентга олиб келган...

**(Давоми 2-бетда.)**

## ЎзМТДП вилоят кенгашлари диққатига!

ЎзМТДПнинг III қурултойи Тошкент шаҳрида, 31 октябрь куни соат 10.00 да очилади. Қурултой Тошкент шаҳар Киночилар уйида бўлади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 98-уй

**ЎзМТДП Марказий кенгаши.**

*Партия сайлов жараёнларида*

# ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ

***«Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнлари тўғри йўлдан кетаётгани билан қутлайман».***

**М. К. ПЕРУДА,**
**Ҳиндистон Арукасал Прадеш штати сайлов комиссияси раиси.**

Ўзбекистон Республикасида 2004 йилнинг 20 сентябридан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашига сайлов бўйича бошланган сайлов компанияси доирасида халқаро конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари давом этмоқда.

2004 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси ҳамда Стратегия ва минтақалараро тадқиқот институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, халқаро ва нодавлат ташкилотлари томонидан қуйидаги мавзуларда халқаро конференциялар бўлиб ўтди: «Олий Мажлисга сайловлар: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда муҳим босқич», «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси», «Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари — халқаро тажриба, меъёрлар ва андозалар» ва «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этик жиҳатлар» каби мавзуларда анжуманлар ўтказилди.

Пойтахтдаги муҳташам «Дедеман» меҳмонхонаси конференция залида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлди. Ушбу анжуман Тошкент Давлат юридик институти томонидан ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, БМТнинг Тараққиёт дастури (UN DP), Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Японияннинг Нагоя университети ҳамкорлигида ўтди.

Халқаро давра суҳбатини Тошкент давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамбеков, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нурмарк, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоевлар кириш сўзи билан очдилар. Давра суҳбати иши қуйидаги учта сессия давомида олиб борилди: «Сайловлар-ҳуқуқий демократик давлатнинг узвий элементи», «Сайловлар бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг айрим мамлакатлар қонунчилиги билан мутаносиблиги: имплементация, ўзаро алоқалар ва амалиёт масалалари», «Халқаро сайлов стандартлари ва унинг сайлов ҳуқуқини ривожлантиришдаги роли».

«Давра суҳбати» ишида Олий Мажлис депутатлари, вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари, сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, жамоа бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти органлари вакиллари, шунингдек, Буюк Британия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Словакия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия давлатларидан келган сайлов бўйича мутахассислар ва мамлакатимиздаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, сайлов қонунчилиги бўйича экспертлар ҳамда маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Бундан ташқари анжуманда халқаро ташкилотларнинг экспертлари ва Ўзбекистондаги хорижий фондлар вакиллари, хусусан ЕХҲТ (ОБСЕ), «Фридом хаус» ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда давлат вакиллик органларининг шаклланиши ва тараққиёти борасида анча тажриба тўпланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларини эътиборга олган ҳолда изчиллик билан аста-секин такомиллашиб бораётганини таъкидлашди.

Шу билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётни либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни, давлат қурилиши доирасида мамлакат сайлов қонунчилигини мунтазам такомиллаштириш ва уни халқаро сайлов стандартларига мувофиқлаштириб боришни талаб қилади.

Айнан шунинг учун ҳам демократик ислоҳотлар шароитида хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида сайлов тизимини такомиллаштириш, мамлакат олий қонунчилик органининг икки палатали тизимга ўтказилиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда, бу жараённи одилона ва ҳаққоний ўтказишни таъминлашда, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг барчасига тенг шароит яратиш, сайлов ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон учун катта амалий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида айтилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва демократлаштириш зарурияти келиб чиққан ҳолда профессионал парламентга ўтишимиз келгусида парламент институтлари ва анъаналарини ривожлантиришда, қонун қабул қилиш тартибини ўзгартиришда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга дахлдор қабул қилинажак қонунларнинг сифатини оширишда мамлакат сиёсий партияларининг кенг иштирокини йўлга қўйишга қаратилган.

Ўзбекистон парламент фаолияти доирасида ўтказилаётган ислоҳотлар, профессионал депутатлик корпусига қўйиладиган юқори талаблар умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мувофиқ келиши айтиб ўтилди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда халқаро нормалар, тамойилларни ўзига сингдирган сайлов қонунчилигининг янги қоидалари алоҳида муҳокамага айланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар Кенгашларига сайловлар тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов Комиссияси тўғрисида»ги қонунларида мустаҳкамланган янги тамойиллар ва янги юридик қоидалар анжуманда чуқур муҳокама этилди.

Жумладан, давра суҳбатида Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигидаги қуйидаги ўзгаришлар — ижроия ҳокимият органларидан депутатликка номзодлар кўрсатишни бекор этилганлиги, сайлов кампаниясида сиёсий партиялар давлат томонидан молиялаштирилиши, сиёсий партиялардан депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун ўринлар квотасини белгиланганлиги, ташаббускор гуруҳлардан номзодлар қатнашиши халқаро демократик тамойилларга жавоб бериши алоҳида ижобий қадам сифатида таъкидланди. Шунингдек, ўзида мажоритар ва пропорционал тизим элементларини акс эттирган бизнинг сайлов тизимимиз ўзига хослиги билан катта қизиқиш уйғотаётганлиги таъкидланди.

Халқаро давра суҳбати ишида Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида халқаро стандартларнинг имплементация қилиш масалаларига, ривожланган давлатларнинг икки палатали парламентининг иш тажрибаларидан фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШлик Паула Ньюбернинг «Демократик сайловлар ўтказишда халқаро стандартлар», ҳиндистонлик Р. Сриваставанинг «Ҳиндистон мисолида демократик сайловларни ўтказишда халқаро стандартлар ҳамда сайлов тизимини ислоҳ қилиш масалалари» мавзуидаги ва бошқа экспертларнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Давра суҳбати иштирокчилари баҳс ва мунозаралари жараёнида қуйидаги масалалар: эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш; вакиллари иштирок этаётган АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Словакия каби давлатлардаги сайлов қонунчилиги, сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва овоз бериш жараёни; депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ва давлат бошқаруви органларининг сайлов компаниясидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашишлари алоҳида ўрин эгаллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ва демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар билан ўзаро мувофиқлигига, сайлов компаниясининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокараларда сайлов округларини ва сайлов участкалари тузиш ва фаолиятини, сайлов комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш, депутатликка номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёни, сайлов компаниясининг бориши, сайловолди рўйхатдан ўтказиш жараёни, сайловолди тарғиботлари, номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайлов натижаларини матбуотда эълон қилиш ва бошқа масалалар алоҳида ўрин олди.

Фикрлар хилма-хиллиги асосида муҳокама қилинган масалаларда, айниқса, Тошкент давлат юридик институти олим-ўқитувчилари ва талабалари, маҳаллий матбуот вакиллари фаол иштирок этишди. Шубҳасиз билдирилган фикр-мулоҳазаларни ижодий кўриб чиқиш келгусида ушбу муаммоларнинг назарий-амалий конструктив ечимини топишга ёрдам беради.

Конференция иштирокчилари жорий сайлов компаниясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг боришини таҳлил этишиб, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини келгусида янада такомиллаштириш юзасидан қатор тавсиялар қабул қилдилар.

**(Ўз мухбиримиз).**

# ДАВЛАТИМ ТИЛИ

(Боши 1-бетда)

1930 йилда ҳукмрон сиёсий фирқанинг навбатдаги съезди миллатларни тез суръатлар билан яқинлаштириш асосида қўшиб юбориб, янги тарихий бирлик — совет халқини юзага келтириш стратегик режасини тасдиқлади. Ўзбек халқининг 1940 йилда кириллица ёзувига ўтказилиши ҳукмрон фирқа тузган ана шу стратегик режани амалга оширишда навбатдаги қадамлардан бири эди.

1993 йил 3 сентябрда мустақил Ўзбекистон "Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" Қонун қабул қилди. Бу воқеа аҳолининг анча қисмини жиддий безовта қила бошлади. 1940 — 1993 йиллар оралиғида Ўзбекистонда ўзбек тилида деярли эллик минг номдаги ва камида эллик миллион нусхада китоблар ва рисолалар чоп этилди. Булар қаторига ярим асрдан ошиқ давр ичида босиб чиқарилган газета, журнал ва турли майда нашрларни киритсак, афсонавий рақамлар кўз олдимизда пайдо бўлади.

Кириллица ёзуви асосидаги миллий алифбода ёзиш, ўқиш, фикр жилоларини ифода этиш қонимизга ва қалбимизга сингиб кетиб улгурди. Кўпчилигимиз рус тилида фикр юритиш қолипларига биноан тузилган жумлаларда сўзлашадиган бўлдик. Ўзбек тили ўзининг табиий туғма қиёфаси ва охангдорлигидан айрилмоқда эди. Юксак минбардан туриб, ўзбек тилида баралла овоз билан сўзлаш мумкинлиги умуман ёдимиздан кўтарила бошлаган эди. Шу нарсани эслайманки, Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломни 1966 йилда дафн этиш маросимида фақат Ўзбекистон фанлар академияси Президенти Обид Содиқов ўзининг видолашув нутқини ўзбек тилида ўқиб берди, чунки бу видолашиш нутқининг матнини Тил ва адабиёт институти раҳбари, яъни камина ҳам унинг ёрдамчиси адабиётшунос С. Қосимов "ўзбошимчалик" қилиб, ўзбек тилида тузган эдилар. Расмий видолашишда бошқа ўзбекча бир оғиз ҳам сўз айтилмади... Ҳали-ҳали ўтмиш истибдод тузуми миямизга ва амалий фаолиятимизга сингдирган ҳаракат услубларидан, амалий фаолият йўлларидан қутулолмаяпмиз. "Қандоғ бўлади?!" Халқимиз чаласавод бўлиб қолади-ку! Ҳаётимизга кунпаякун қиладиган зарба бўлади-ку!, дейдилар ўзбек халқининг бу "жонкуярлари"...

Ҳаётий тажриба кўрсатадики, ҳар бир масалани атрофда, оламда, минтақада ва ўз юрт-элингда бўлаётган воқеалар, тамойиллар ва жараёнлар билан биргаликда таҳлил қилмоқ зарур. Бу — фаннинг биринчи талаби. Ҳозирги замоннинг ўзига хос томони шундан иборатки, фан, техника, технология, алоқа воситалари, нақлиёт имкониятлари юқори даражада ўсиши туфайли, Ер курраси, бутун дунё инсон ихтиёридаги бамисоли думалоқ бир куррага айланди. Инсон бу куррани хоҳласа 24 соат, космонавт эса икки соат ичида айланиб чиқа оладиган бўлди. Ўзбекистоннинг шаҳри азимида ёки узоқ қишлоғида ўлтириб, Жанубий Америкадаги Парагвай ёки Уругвай давлатларида Президент сайлови қандай ўтаётганини ёки АҚШ президентлигига номзод Керрининг ишлари қандайлигини билиб ва кўриб турамиз. Бутун дунё халқлари бундай шароитда беихтиёр равишда яқинлашиб, бир оилага айланмоқдалар. Ҳолбуки, яқин-яқиндагина, масалан, бундан тўқсон йил муқаддам, Абдулла Қаҳҳор ўзининг хотираларида ёзишича, у ўша вақтда яшаб турган қишлоқ аҳолиси 1914 йил 1 сентябрида бошланган Биринчи Жаҳон уруши тўғрисидаги янгилик хабарни фақат тўрт ойдан сўнг, 1914 йилнинг декабр ойида эшитиб билган...

Ҳозирги жамият ва умуман одамзот фан, техника ва технологияга таянган одамизотдир. Унинг ҳаётини электр кучисиз, авиациясиз, телевидениесиз, интернетсиз, автоматик линияларсиз, телефон ва радиосиз фараз қилиб бўлмайди. Фан, техника ва технологиянинг хилма-хил воситалари барча давлатларга, миллат ва минтақаларга баравар хизмат қиладилар, чунки давлатларни, миллатларни фарқ қилмайдилар. Кимки фан, техника ва технологиянинг ана шу умуминсоний воситаларидан оқилона ва зудлик билан фойдалана олса, марра ўшаники. Шу боис илғор, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиш учун фан, техника ва технологияни эгаллашнинг энг қулай ва тез натижа берадиган йўлларини топмоқ зарур.

Шуниси диққатга сазоворки, фан, техника ва технология янгиликлари асосан лотин ёзувидан фойдаланадиган мамлакатлардан — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Швеция, Канада ва ўтмишда шу давлатларнинг мустамлакаси ёки уларга қарам бўлган Ҳиндистон, Хитой, Сингапур, Миср, Жазоир, Лотин Америкаси давлатларидан чиқиб, жаҳон бўйлаб минглаб — миллионлаб нусхада тарқала бошлади. Маълум асос билан айтиш мумкинки, II Жаҳон урушидан кейин ўтган ярим асрли, давр юқорида санаб ўтилган давлатларнинг мислсиз даражада тез кўтарилиш йиллари бўлибгина қолмай, айни вақтда лотинча ёзувга асосланган инглиз, француз, испан ва немис тилларининг бутун жаҳоннинг илғор фани, техникаси ва сиёсати тилига айланиш йиллари ҳам бўлди, дейиш мумкин. Дунёда мавжуд 200 давлатдан 129 тасида шу тўрт тилдан бири давлат тили деб қабул қилинган. Айниқса, қатор мустақил давлатлар, шу жумладан, мустақилликка II Жаҳон уруши арафасида, унинг жараёнида ва ундан кейинги йилларда қонли ёки қонсиз, даҳанаки жангларда эришган кўп халқлар инглиз тилини давлат тили сифатида қабул қилдилар, чунки урушдан кейинги умуминсоний муаммоларни ҳал этиш зарурлиги инглиз тилига нисбатан ўтмишдан қолган сарқит қарашлардан устун эди. Масалан, Африкадаги Гана давлатида аҳоли олтмишдан ортиқ шева ҳамда ерли аҳолининг тилларида сўзлашади. Гана сиёсий ва ижтимоий арбоблари, тадбиркорлари, ишбилармонлари, бизнес ва маърифатпарварлик билан шуғулланувчи вакиллари кундалик ҳаётда собиқ мустамлакачиларнинг тилидан, ягона қулай ва ривожланган инглиз тилидан фойдаланадилар, чунки мамлакатда, инглиз мустамлакачилари қолган эмас.

Мустақил Ўзбекистоннинг тил стратегиясини белгилашда жаҳондаги тилларнинг ўрни, салмоғи, бозор иқтисодиётига ўтиш ва ривожланиш сиёсатини амалга оширишда қулайлиги, илғор фан, техника ва технологияни ўзлаштиришда самарадорлиги ва бошқа омиллар инобатга олинган. Лотин ёзувидан фойдаланувчи халқлар ва давлатлар жаҳондаги ялпи маҳсулотнинг тўртдан уч қисмини ишлаб чиқарадилар, илмий-назарий ҳамда техникавий адабиётларнинг саксон фоизини чоп этадилар.

Ўзбек халқининг лотин ёзувига кўчиши — Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришнинг истиқболли йўлларидан биридир. Албатта, бир ёзувдан иккинчи ёзувга кўчиш осон иш эмас: аҳолининг кўпчилик қисми катта ноқулайликларга дуч келади, чаласаводлар салмоғи, вақтинча бўлсада, кўпаяди. Лекин ҳар бир киши томонидан янги ёзувни ўзлаштириб олиш, жаҳон тажрибасига суянсак, икки ҳафтадан икки ойгача давом этиши мумкин.

Кириллица ёзувини сақлаб қолиш тарафдорлари калта ўйлайдилар, масаланинг ўзларига қулай, енгил-елпи йўлини танлайдилар. Лотин ёзуви туфайли илғор фан, техника ва технологияни ўзлаштиришимиз тезлашади ва енгиллашади, бизни ривожланган мамлакатлар билан бирлаштириб турган ришталар бир неча баробар кўпаяди, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириши, рақобатбардошлик даражаси мустаҳкамланади.

Аждодларимиз ёшларга насиҳат қилганда, "болам, туяга миниб, узоқни кўзлагин!" яъни "яқин ва осон йўлни қидирмагин, балки, қийин бўлса ҳам, улкан истиқболлар очадиган оғир йўлни танлагин" деганлар.

Ўзбек миллати янги истиқболлар очадиган узоқ йўлнинг бошланишида илк қадамлар ташламоқда. Биз мустақилликни эллик ёки юз йилга мўлжаллаб киритганимиз йўқ. Мустақиллик — мангуликдир. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги шу бугундан бошланади ва унинг илк қадамларидан бири лотин ёзувига ўтишдир. Шундай зиддиятли вазиятда Ўзбекистон афкор оммаси кундалик ҳаётда сезиб ва кўриб турибди. Янги ёзувни ҳаётга сингдириш суст суръатлар билан бормоқда. Ҳалитданоқ мактаб ўқувчилари билан катта ёшдагилар орасида узилиш пайдо бўлмоқда. Янги ёзувни кундалик ҳаётга сингдириш каби мураккаб ва зиддиятли масала билан ким шуғулланади, деган масала кун тартибида турибди. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, турли нашриётлар ва матбуотчилар бу масалани ҳал этишга арзирли улушларини қўшмоқдалар. Аммо уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирадиган бош идора йўқ. Бу жиддий ва муҳим масалани ўзибўларчиликка ташлаб бўлмайди.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА НЕЧА ТИЛ БИЛМОҚ ЗАРУР?

Давлат тилимизнинг барча бойлигини намоён қилиш, ривожлантириш, жамиятимиз қаърига, халқимиз онгига янада чуқуррок ва кенгроқ сингдиришнинг йўлларидан бири ҳозирги замон амалиёти талаб қилаётган тилларни ўрганишни янги даражага кўтаришдир. Ҳозирги фан ва техникада амалга оширилган ихтиролар ва кашфиётлар натижасида, оламда янги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларнинг умумий номи глобализация дейилади: яъни Ер курраси бир бутун инсон гўшасига айланмоқда. Натижада мамлакатлар, қитъалар, минтақалараро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар кўпаймоқда ва тезлашмоқда, илгарилари биқиқлик, худудий ва маданий чекланганлик узоқ тарихда қолмоқда. Жаҳонда, турли мутахассис тилшуносларнинг ҳисобига кўра, 2667 дан 6700 турли тиллар мавжуд. Бу рақамнинг катта-кичиклиги, кўп-камлиги шевалар ва ҳудудий диалектларни алоҳида, мустақил тил деб қараш керакми ёки бир тил деб бирлаштириш маъқулми, шунга боғлиқ. Бу рақамларни аниқлаш тилшуносларнинг вазифаси. Табиийки, ҳеч бир инсон ва ҳеч бир вақт мавжуд тилларнинг барчасини билолмайди. Жаҳон тажрибаси ва кундалик ҳаёт амалиёти шундан далолат берадики, ҳар бир инсон, етарли қунт ва ҳафсала билан ҳаракат қилса, 4 — 5 тилни эҳтиёж даражасида билиб олиши, улардан кундалик амалий ҳаётда фойдаланиши мумкин. Бир неча ўнлаб тилни биладиган кишилар ҳам бор, аммо улар истисно сифатида шу соҳанинг мутахассислари ёки ўта қобилиятли инсонлар орасида учрайди.

Ҳар бир киши биринчи навбатда дунёда энг катта тарқалган ва кундалик амалий ҳаётда зарур тилларни билишга интилиши керак. Энг керак тиллар шундай тилларки, улар ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам кундалик мулоқотда, ҳам халқаро сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий музокараларда ва тор оила доирасида кунимизга ярайди.

Ҳар бир миллат, элат умумжаҳон сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий ҳаётига қанчалик чуқур киришиб бориб, илғор фан, техника ва технология чўққиларини эгаллар экан, унинг қаторида ҳозирги замоннинг энг кенг тарқалган 4 — 5 тилини биладиганлар салмоғи кенгайиб, ўсиб, уларнинг таъсири ортиб боради.

Ўзбекистоннинг конкрет шароити ҳозирги кунда ҳар бир онгли, ўз юртининг буюк келажаги учун чин қалбдан хизмат қилаётган фуқаролардан биринчи навбатда уч тилни билиш талаб қилинади. Булар — давлат тили, яъни ўзбек тили, инглиз тили ва рус тилидир. Ўзини онгли фуқаро деб билувчи инсон давлат тилини шундай ўзлаштирсинки, унинг жарангдор давлат тилидаги нутқини эшитган ҳар бир кишининг Ўзбекистонга бўлган ҳурмати янада ошсин. Афсуски, орамизда давлат тилига ўгайларча қарайдиганлар йўқ эмас.

Биз билишимиз керак бўлган иккинчи асосий тил инглиз тилидир. Масалага кенг миқёсда қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон жаҳоннинг инглиз тили расмий тил сифатида кўпроқ тарқалган қисмида Осиё, Япония, Африка мамлакатлари... Ундан ташқари, инглиз тили жаҳонда энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиб турган АҚШ, Англия, Австралия, Янги Зеландия ва Канада аҳолисининг она тили. Жаҳондаги 200 давлатнинг 64 тасида инглиз тили расмий равишда давлат тили, деб эълон қилинган. Илғор фан, техника, технология ва ижтимоий ҳаёт муаммоларига тегишли адабиётнинг деярли саксон фоизи дунё бўйича инглиз тилида чоп этилади.

Биз учун кундалик ҳаётда зарур учинчи асосий тил рус тилидир. Ўзбек халқининг тарихий тақдири шундай шаклландики, биз кейинги деярли бир ярим аср давомида Россиянинг таъсир ва тазйиқ доирасида бўлдик. Шу давр ичида рус тили асосан мажбурий равишда, баъзида эса ихтиёрий йўл билан ҳаётимизга сингдирилди. Рус тили орқали бизнинг ҳозирги замон фани, техникаси ва технологияси билан танишишимиз тезлашди. Ҳозирги кунда унинг биз учун аҳамияти шундан иборатки, бу тил бизни барча Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти (МДҲ — СНГ) билан боғлайди. Иккинчидан эса, рус тилида жаҳонда энг бой ва хилма-хил соҳаларга тегишли русча-инглизча, инглизча-русча ва бошқа тиллардаги луғатлар мавжуд. Бу нарсага алоҳида диққат беришга тўғри келади, чунки ўзбек луғатшунослиги давр талабларидан анча орқада, дейишга етарли далиллар бор.

Биз асосан уч тилга таянсак, яъни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси уч тилни билиш зарур эканлигини англаса ва шуни амалга оширса, унинг буюк стратегик ниятлари ҳам амалга ошади. Ўзбекистоннинг тил пойдевори ҳақида сўзланар экан, уни азим шаҳар пойтахтимиз Тошкентдаги телевизион минора билан қиёслайман. Бир неча минг тонна оғирликдаги деярли уч юз метр баландликка эга бу минора йиллар давомида қимирламай турибди шунинг учунки, у уч оёққа, уч устунга суянади...

Лекин, "тил билиш" деганда аслида нимани тушунилади? Тилни билиш ҳар ҳил бўлади. Соҳа мутахассисларининг хулосаси бўйича, тилни ҳозирги давр даражасида билиб, оғзаки ёки ёзма мулоқот қилмоқ учун ўрта ҳисоб билан бу тилнинг 3000 — 3500 сўзини билмоқ зарур экан. Чет тилини ибдитоий даражада билмоқ учун 700 — 800 сўзни ўзлаштириш етарли, дейдилар мутахассислар.

Бинобарин, ҳар бир фуқаро ўн минг сўзни билиши талаб қилинади. Уч тилда ўн минг сўзни билишнинг ўзи бўлмайди. Давримиз шундайки, умримизнинг биринчи қадамлариданоқ уч тилни билишни ўзимизга биринчи даражали вазифалардан бири қилиб қўйишимиз даркор.

Давр фарзанди бўлмоқ учун уч тилни — давлат тилини, инглиз тилини ва рус тилини билмоқ ва улардан ташқари араб, француз, италян, япон, корейс, ҳинд, испан, немис ва бошқа тиллардан бирини ёки бир нечасини ўрганиш — демократик Ўзбекистонни кенг ва ҳар томонлама рағбатлантирадиган ҳамда қўллаб-қувватлайдиган ҳаракатдир.

Давлат тили куни — улуғ ҳамда масъулиятли байрам бўлиб, уни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнларида баладпарвоз гаплар байрами эмас, балки тараққиётимиз жараёнида юзага чиққан ва ўзининг ҳал этилишини талаб этаётган муаммоларга диққатни тортиш байрамига айлантиришимиз керак. Давлат тили масаласи — жузъий, иккинчи даражали масала эмас. Тил — миллатнинг онги, юзи, қиёфаси ва ички тафаккури, маданиятининг нақадар баландлигини кўрсатувчи омилдир. Ўзбек тили ана шундай тил.

**Кўчқор ХОНАЗАРОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

### Прокурор назорати

Ер халқнинг бойлиги, ундан унумли фойдаланиш ҳаётимизни фаровон, турмушимизни чиройли қилади. Бироқ бугунги кунда юрт манфаатидан ўз манфаатини устун қўйишга уринаётган айрим шахслар ҳам гоҳ-гоҳида учраб қолиши ачинарли ҳол. Республикамизда фермерлик ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар ишлаб чиқилаётган бир пайтда уларнинг ерларини қонунга зид равишда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бухоро вилояти Қоракўл туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалик ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мониторинги олиб борилди. Бир неча ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланди. Хўш, ерларни талон-тарож қилинишини назорат этиш зарурати нега пайдо бўлди? Бу саволга жавоб беришда текширувлар натижаси тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш кифоя деб ўйлаймиз. «Янгибозор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил қилинган «Кундаков ММ» фермер хўжалигига тегишли 0,26 гектар ер майдони фуқаролар Ғойибов Бобоназар ва Йўлдошев Йўлдош, «Эргаш Раҳимов плюс» фермер хўжалигига тегишли 0,21 гектар ер майдони фуқаролар Жумаев Акрам ва Ҳасанова Шаҳло, «Кувва-ча» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил қилинган «Қаландар бобо Ҳасанов» фермер хўжалигига тегишли 1,25 гектар ер майдони эса, фуқаролар Жумаев Али, Жумаев Жўра, Эргашев Зайниддин, Бозоров Шамси, Бозоров Ойбек, Хусенова Муяссар, Бозоров Шуҳрат, Саидов Шерали ва Саидов Исмоил, «Ҳаким Саломов» фермер хўжалигига тегишли 1,40 гектар ер майдони фуқаролар Садиров Умид, Садиров Илҳом, Наврўзов Нуриддин, Кучмуродов Ориф, Қурбонов Акмал, Ҳасанов Руслан, Эргашев Зафар, Очилов Шавкат, Очилова Гулчеҳра ва Наврўзов Ортиқ, «Зарафшон» ширкат хўжалигига тегишли 0,10 гектар ер майдонини Бозоров Тўймурод ва Ҳусенов Жўра, «Қораун» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил қилинган «Абдулло Зиёдулло» фермер хўжалигига қарашли 0,82 гектар ер майдонини шу қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Тўхтаев Юнус, Ибодуллаев Нодир ва Ондаев Сирож, «Тўхтаев Ёшузоқ бобо» фермер хўжалигига қарашли 0,36 гектар ер майдонини шу қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Барраев Яхшимурод ва Олимов Дилмурод, «Пирназар ота Панжиев» фермер хўжалигига қарашли 0,91 гектар ер майдонини шу қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Раҳмонов Умид, Тўхтамишев Остон, Бобоев Йўлдош ва Норов Байрам, «Шариф қизи Барно момо» фермер хўжалигига қарашли 0,06 гектар ер майдонини шу қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Равшанов Манғит ва Ширинова Ойхонлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликлари аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан 34 нафар фуқароларга нисбатан Ўзекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги» кодекснинг 60-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, ноқонуний эгалланган ер майдонларини ўз эгаларига қайтариш тўғрисида Қоракўл туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси ҳамда туман ҳокими номига тақдимнома берилди.

Бундан ташқари, тумандаги Охунбобоев ширкат хўжалиги 5-бригадаси пудратчиси Ғофир Кароматов ширкат хўжалигига тегишли 1,5 гектар экин майдонига картошка экиб етиштириш бўйича шартнома тузган бўлса-да, картошка экмай, унинг ўрнига саримсоқ, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиб олганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича туман прокуротураси томонидан Ғофир Кароматовга нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги» кодекснинг 65-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида текширишлар натижасига кўра 37 фуқарога нисбатан 10 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, 6та даъво аризаси, 2 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, туман прокуротураси ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларга берилган имтиёзларнинг бажарилиши бўйича мутахассислар иштирокида текширишлар ўтказмоқда. Туман ҳокимлиги томонидан мазкур йўналишда «Меҳр ва мурувват» йили муносабати билан дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳимоя қилишга қаратилган режалар белгиланган.

Текширувлар натижасига кўра белгиланган режаларнинг айримлари бажарилмай қолаётгани аниқланди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган маблағ ўтган йилгига нисбатан 1,21 баробар кўп. 2 ёшгача боласи бўлган ишламайдиган оналар нафақаси учун 408 миллион 800 минг сўм, 16(18) ёшгача боласи бўлган оилалар нафақаси учун 521 миллион 500 минг сўм, 1243 нафар кам таъминланган оилалар нафақаси учун 33 миллион 600 минг сўм ажратиш тадбирда кўзда тутилган бўлса-да, бугунга қадар ушбу маблағлар тўлиқ ҳолда ажратилмаганлиги аниқланган.

Аҳолининг маиший турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 1991 йилгача қуриб топширилган кўп қаватли уйларни, капитал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш дастурда белгиланган бўлишига қарамасдан, ушбу тадбир учун қанча миқдорда маблағ талаб қилиниши ҳисоблаб чиқилмаган ва ажратилиши таъминланмаган.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан умумтаълим мактаблари, марказий касалхона ва бошқа ижтимоий объектларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастур яратиш ва амалга ошириш мақсадида, маҳаллий бюджет ҳисобидан: умумтаълим мактаблари учун компьютерлар сотиб олишга 30 миллион сўм ; мактабларни таъмирлаш учун 120 миллион сўм ; мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш учун 14 миллион 600 минг сўм ажратиш режаси дастурда мавжуд бўлса-да, текшириш ўтказилган кунга қадар ҳам ушбу маблағ ажратилмаган. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ногиронлар учун санатория ва курорт муассасаларига бепул йўлланмалар ажратилиши ҳамон пайсалга солиниб келинаётганлини ҳам аниқланди.

Муҳтож ногиронларга протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ажратилмаган.

Мурувват уйлари ўртасида спорт ўйинларини ташкил этиш режаси қоғозда қолиб кетган.

Тумандаги барча маҳаллаларда яшовчи оилаларга хуқуқий, маънавий, тиббий йўналишларда маслаҳатлар беришни ташкил этиш туман дастурини ишлаб чиқиш, кам таъминланган, ёш оилаларга ҳуқуқий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида, кам таъминланган оилаларда яшовчи болаларга, қандли диабет ва вирусли гепатит касалликлари билан хасталанган фуқароларни махсус озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, хасталарга ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш каби тадбирлар ишлаб чиқилган бўлса-да, текшириш давомида улар бажарилмай қолаётгани аниқланган .

Туман прокуратураси юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш чораларини кўраётир.

**М. БОЗОРОВ,**
**Қоракўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали юрист**



# БЕМИННАТ ДАСТЁР

### Фидойилар

Узоқдаги жигарини кўрмаса-да, овозини эшитгач, одам хотиржам тортади. Яхшиям бахтимга шу телефон бор-а. Шуни ўйлаб топганнинг отасига минг раҳмат, дейди. Ҳатто бирон кор-ҳол рўй берганда ҳам шу телефоннинг ёрдамига суянамиз. Ахир ҳаёт тасодифларга бой.

— Унинг қўнғироғини кутиб икки йил яшадим. Овозини эшитмаган кунларим жуда хафа юрардим, — деганди бир ошиқ қиз мен билан шифохонадаги суҳбатимизда. Интернет, телефон орқали танишиб турмуш қурганлар қанча. Қизиқ-а. Баъзан одам боласи қилолмаган яхшиликларни шу беминнат дастёр бажаради. Шу совуқ симлар жонингга оро киради.

— Бугун ҳаётимизда телекоммуникациянинг ўрни, аҳамияти катта. Усиз турмушимизни тасаввур қилолмаймиз. Бу алоқа тизими орқали зумда дунёнинг исталган бурчагига чиқиш мумкин, — дейди Зарбдор тумани телекоммуникация боғламаси бошлиғи Жумагул Боймуродова. — Бунда вақт ҳам, маблағ ҳам тежалади. Юксак коммуникация хизмати кириб келгунга қадар абонентларимиз қийин жараённи бошдан кечирдилар. Дастлаб Жиззах вилояти бўйича 2-3 жойдагина алоқа хизмати бўлган. Одамлар бу хизмат туридан фойдаланиш учун узоқ масофа босганлар. Чўл зонасининг иссиқ-совуғида бу осон бўлмаган, албатта. Эски ускуналар билан узоққа бориб бўлмаслигини тушундик. Бугунги шароитлар бутунлай бошқача. Мустақил юртнинг телекоммуникация хизмати даражаси ўсди. 2004 йилда Бўстон, Зарбдор шаҳарчалари замонавий дизел ускуналари билан жиҳозланди. Эскирган бинолар таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу — чироқ ўчган тақдирда ҳам алоқа хизмати узлуксиз ишлайди дегани. Бугун туманимизда 1000 дан ортиқ хонадон алоқа хизматидан фойдаланмоқда.

— Сизни шу соҳадаги раҳбар аёллар ичида ягонаси, дейишади. Темирлар, симлар билан муомала қилиш аёл кишига қийинлик қилмайдими?

— Тошкент Алоқа институтида ўқиб юрганимда ҳам гуруҳимизда қизлар кам эди. Ўшандаёқ келажагимни тасаввур қилганман. Лекин ўқишни ташлаб кетмаганман. Нимадир ушлаб турарди. Бу — бир томондан ўзимнинг қизиқишим бўлса, бир ёқда отам Норбой Боймуродовнинг хоҳиш-истаги эди. Бугунга келиб шундай ўйлайман: Мен ўз соҳамнинг одами эканман. Чунки, қийинчиликларни енгишда ўзимда куч топа оламан. Муаммолар йўқ эмас. Иш пайтида мутахассислар етишмаслиги сезилади. Биз ҳам йирик шаҳарлардагидек чиройли, катта биноларда яйраб ишласак, деймиз. Ахир техника сақланадиган бинода ишлаб бўлмайди-ку!

Жумагул Боймуродованинг куйинганича бор. Бир жойимиз оғриса вой, деймиз. Гапирамиз, айтамиз. Темирлар гапирмайди. Унинг оғриган жойини ўзинг излаб топишинг керак. Шунда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган Гулсара Болбекова, Зарбуви Иброҳимова, Санжар Абдуллаев сингари тажрибали ишчиларга суянади. Жумагул ўз касбининг темир иродали одамига айланди. Бунга фидойилиги, меҳнатсеварлиги орқасидан эришди. Жумагул темирни ҳам гапиртиради, деб бежизга айтишмайди зарбдорликлар. Уларнинг гапида жон бор.

**Дилором ИСМОИЛОВА.**

# САМИМИЙЛИК ХОСИЯТИ

*Бир куни ишга шошиб кетаётиб, нима хаёл билан чорраҳада светофорнинг сариқ чироғи ёниб турганига қарамай катта йўлга чиқиб қолибман. Йўлнинг ўртасига етар-етмасимдан яшил чироқ ёниб қолди. Бир зумда тўхтаб турган машиналар ҳаракатга тушиб, мен томонга юриб кела бошлади. Даҳшатдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Турган жойимда қотиб қолдим. Бир «Тико» русумли оқ енгил машина мен томонга шиддат билан келарди. Ниҳоят машина менга жуда яқин келди-да, қаттиқ тормоз босди ва шофёр бошини машина ойнасидан чиқарди. Мен эса, ана энди, тамом, ҳозир бу киши мени бўралаб сўкиб ташлайди, деб ўйладим. Аммо ундай бўлмади. Шофёр менга қараб бир чиройли табассум қилди-да, боши билан ўтиб олинг дегандек ишора қилди.*

*Менга бу жилмайиш шунчалик таъсир қилдики, бир зумда ўзимни ўнглаб, йўл ўртасидаги чизиққа етиб олдим. Ўша куни кайфиятим ҳам жуда яхши бўлди. Бир чимдим табассум билан дунёни олса бўлади, деб халқимиз бежиз айтмаган экан.*

**М. РАҲМАТОВ.**



# ЯПРОҚЛАР ЁМҒИРИ

Куз— ўйчан фасл. Ўйлатади, ўйлантиради. Айниқса, қировли кунда, япроқлар ёмғиридан кейин, офтоб чиққач сайр этиш мароқли. Унгача дарахтзорда жимгина ўтирган маъқул. Хаёл суриб ўтираверсанг, ўтираверсанг. Бошингдан сочқидек сочилаётган қизил, сариққа яшиллик уйғунлашиб кетган аломат рангли барглар шивиридан бўлак ҳеч нарса ҳаловатингни бузмаса...

Шеър ҳам шу ерда, қўшиқ ҳам, тинглай олсанг, ажойиб куй—наво, тўйиб—тўйиб нафас олсанг ярашадиган ҳаво. Фақат, фақат бир нарса сени ташвишлантиради. Хазонларга кўмилиб кетмай, деб кўзларингни очасан. Ўрнингдан турасану юришга ботинолмайсан. Бир қадам босиш, гўзалликни оёқ ости қилиш гуноҳдек туюлади сенга. Шу ҳолатда анча вақт қолиб кетасан.

—Ҳой, қизгина ўлгур! Анҳор бўйида ўтирма, деб неча марта айтганман сенга. Хаёл суришга бало борми? Каллаи саҳарлаб сув бўйида нима бор?! Бозорга кетяпман, укаларингга қара...

Қўшни холанинг овози жимликни бузади. Беихтиёр қўшни боққа қарайман, негадир шошилганча чопиб кетаётган қизалоққа раҳмим келади. Кейин ўша қизалоқдек болалик давримда шўхлик қилиб, танасига исмимни ўйиб ёзган теракнинг юзига юзимни босаман. Унга нима дейишни, қандай узр сўрашни билмайман.

Бундай бўлади деб сира ўйламагандим. Қўнғироқ сочли қизалоқ қон—қон йиғлайди. Онаси яна алланималардир деб уни койийди. Эшик тарақлаб ёпилади, устидан қулфланади...

Юрагим йиғлаётган бўлсаям,негадир кўзларимга ёш келмаяпти. Ҳозиргина кекса ёнғоқ дарахтининг шохига келиб қўнган қора қарғалар қағиллаб, келмаган қишдан қор сўрайди. Бизни ташлаб кеттиси келмаётган куз дарахтларни силкитиб, силкиниб йиғлайди. Япроқлар тўкилаверади, тўкилаверади.

**ЖОНСЎЗ.**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳалар.

*Рамазон ўгитлари*

## Ажру-савоби бор

Ҳар бир мўмин кишига рамазон ойида рўза тутиш Қуръони Карим оятлари билан фарз қилинди: « Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди »

**( Бақара 183)**

Инсон, ояти каримада битилганидек, саноқли кунлар рўза тутиш нақадар муҳим ибодат эканлигини англаб етса, ҳеч қачон рўзага дунёвий, тиббий ёки ўрфий маъно бермас эди. Рўза ибодати инсонга ўзлигини танитади, инсонийлик мақомида мустаҳкам туришга кўникма ҳосил қилади ва тубанлашиб кетишига йўл қўймайди. Зеро, Аллоҳ таоло қадр—қиммати ва даражасини сақлай олганлар учун охиратда беҳисоб ажру савоблар ато этади. Энг аввало рўза тутиш кишининг гуноҳлари кечирилишига, ёмон амаллар ўчирилишига сабаб бўлади. Рўзанинг яна бир фазилати шуки, бу ибодат соҳибини қалқон каби лағв ва бошқа турли беадабликлардан тўсиб туради. Пайғамбаримиз ( алайҳиссалом ) ҳадиси шарифларида «Рўза—қалқондир, банда у билан дўзахдан сақланади» деб марҳамат қилганлар. Рўза тутишда рўзадор учун икки қувонч мавжуд: бири—оғиз очадиган пайтдаги қувонч, иккинчиси— Аллоҳ таолога учрагандаги қувонч. Илоҳим бу қувончлардан барчамизни яраттан насибадор айласин.

*Спорт оламида*

### *Дарвозабоннинг мияси чайқалди*

Яқинда бўлиб ўтган ЖЧ — 2006 саралаш босқичининг Италия — Белорусь ўйинининг 22-дақиқасида белорус дарвозабони Хомутовский меҳмонлар ҳужумчиси Жилардино билан ҳаво жангида тўқнашиб кетди. Натижада унга тиббий ёрдам кўрсатилди ва у ўйинни охиригача дарвозани қўриқлади. Лекин ўйин тугагач, у қандай ҳисоб бўлганини ҳаммадан сўраб юрди. Хомутовский ўз интервьюсида: «Ўша тўқнашувдан кейин нима бўлганини эслолмайман. Йигитлардан бугунги учрашув қандай натижа билан тугаганини сўрабман. Хотинимнинг айтишича, ўйиндан сўнг унга телефон қилиб, кичик суҳбат ўтказганим, ундан «Сен туғруқхонада нима қиляпсан», деб сўраганим ҳаммани ҳайратда қолдирди. Шифокорлар ушбу ҳолатга Хомутовскийда кичик мия чайқалиши бўлган, шунга у ҳеч нарсани эслай олмаган, деб изоҳ беришди.

### *«Ҳалол ўйнанг, футболчилар»*

Қувайт футбол федерацияси раҳбарлари Осиё Футбол Конфедерацияси президенти Дато Питер Велаппанга 17 ноябрь куни бўлиб ўтадиган Хитой — Гонконг учрашувини ўз назоратига олишини илтимос қилди. Бунинг асосий сабаби, Қувайтда ҳам, Хитойда ҳам очколар сони бир хил, агар улар сўнгги турда ғалаба қозонсалар, тўплар нисбатига кўра яхши кўрсаткичга эга бўлган жамоа кейинги саралаш босқичига йўл олади. Муаммо ҳам айнан шунда, яъни сиёсий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, 1997 йилдан Хитой Гонконг билан бирлашиб, ягона суверен давлатга айланган. Демак, Хитой Гонконг дарвозасига хоҳлаганича тўп киритиб, кейинги босқич масаласини ҳал қилиши мумкин.

ОФК бу ҳолатни батафсил ўрганиб чиқиб, ғирромликни олдини олиш мақсадида ўз назоратчиларини нафақат Хитойга, балки шундай вазиятда бўлган бошқа гуруҳларнинг қолган ўйинларига ҳам юборади.

### *Мухлислар норози*

Хорватиянинг машҳур жамоаси Динамо (Загреб) сўнгги чемпионат баҳсларида мазмунсиз ўйин кўрсатмоқдалар. Етти марта мамлакат чемпиони, жорий мавсумда 11 та учрашувдан бор-йўғи 3 тасини ғалаба билан якунлашди ва 9-ўринда боришяпти.

Шу боис мухлислар жамоа бу йилги чемпионатда жуда омадсиз иштирок этаётганига норозилик билдириб, улар машғулот ўтказаётган жойга келишди. 50 нафардан зиёд ашаддий фанатлар футболчилардан кўк рангдаги футболкаларини ечиб қўйишни, улар бу рангга (клуб либоси айнан кўк рангда) лойиқ эмасликларини айтдилар. Натижада футболчилар машғулотларни деярли ярим яланғоч ҳолда якунладилар. Хайрият, тартибни сақловчи ходимлар ишқибозларни тарқатиб юборди. Улар бўлмаганда, футболчиларга қийин бўлиши аниқ эди.

**Ислом ТИЛАБОВ тайёрлади.**

***Бир-бирингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.***

**ҲАДИСИ ШАРИФДАН.**

# ҚИММАТГА ТУШГАН ТОВУҚ ШЎРВА

*Куз ойлари эди. Томорқага буғдой сочдим. Кунлар иссиқ бўлгани учун буғдой тез кунда униб чиқиб, майсазор ҳосил қилди. Бир куни кўчадан қайтсам, қўшнимизнинг товуқлари буғдойзорни пайҳон қиляпти. «Ҳайдамайсизми?» деб хотинимга ўшқирдим. У бўлса, жиғибийрон бўлиб, ҳайдайвериб зерикдим, у ёқдан ҳайдасам, буёқдан келади, деди. Шу пайт ердан муштдек келадиган кесакни олдиму жаҳл устида товуқларга қараб отдим. Кесак бориб тўғри бир хўрознинг кўкрагига тегди ва у шу захоти типирчилаб қолди. Нима қилишимни билмай турган пайтимда хотиним дарров пичоқ келтириб, тезда сўйинг, ҳаром ўлиб қолмасин тағин, деди. Хўрозни сўйишга сўйдиму аммо уни нима қилишни билмас эдим. Шунда хотиним бўлар иш бўлди,ҳозир хўрозни олиб кирсак, қўшни катта жанжал кўтаради, ундан кўра бир кун пайти келса ётиғи билан тушунтириб, пулини тўлаб қўярмиз, деди. Бу гап ўзимга ҳам маъқул тушди. Хуллас, ўша куни товуқ шўрва ичдик.*

*Кечаси уйқум қочиб уйғониб кетиб, ташқарига чиқсам, оғилхона томонда кўзимга қандайдир учқунлар кўрингандек бўлди, борсам, ҳамма нарса жойида. Яна уйга кириб кетдим. Эрталаб не кўз билан кўрайинки, боқувга қўйган катта қўчқорим тарашадек қотиб ётибди. Кечаси менинг кўзимга кўринган учқунлар электр симининг учқунлари бўлиб, ўша тунда қўчқор оғилхонани ёритиш учун туширилган электр симини чайнаб кўрган экан. Хуллас, битта хўрозга битта қўчқорни алмаштирдик.*

**М. СИДДИҚОВ.**

# НОЎРИН ҲАЗИЛ...

**ёхуд қарғиши ўзига қайтган кампир**

Шоқосимнинг уйида ҳар куни жанжал. Пул топса ичиб келади. Топмаса, уйдан чиқмай, ёнбошлаб ётаверади. Бир куни айвонга зўр—базўр етиб, эндигина ёнбошлаган эди, уни бу аҳволда кўриб хотинининг «аллергияси» қўзиди.

— Ҳой, ҳеч ҳушёр кунингиз борми? Бундан кўра ўлиб қўя қолсангиз қутулардим. Ер ютсин сиздақа, эрни!

Хотинининг дийдиёлари жонига теккан Шоқосим шартта ўрнидан туриб, гандираклаганча молхонага қараб юрди...

Ярим соатлардан кейин хотини хавотирланиб, унинг ортидан кирди. Кирди—ю, шифтда осилиб турган эрини кўриб, додлаганча ён қўшниси Зарифа кампирникига чопди.

Зарифа хола Шоқосимнинг аҳволини кўриб:

— Бор, қизим, бўлар иш бўпти. Чолларни чақириб кел, ўшалар бирор йўл кўрсатар...— деди.

Келин йиғлаган куйи гузарга чиқиб кетди. Кампир мурдага қараб туриб, уч кундан кейин ўтказилиши керак бўлган тўйи эсига тушди. Алами келиб, Шоқосимни қарғай бошлади:

—Э, ўлмай ҳар нарса бўлгур. Тириклигингда ҳам ҳеч кимга фойданг тегмаган эди. Энди ўлганингда ҳам бошга битган бало бўлдинг, келиб — келиб мен тўй қиламан деб турган пайтимда ўласанми? Энди сенинг касофатингга тўйни кечиктиришга тўғри келади. Кампир қарғанганча орқасига қайрилиб ҳовли томонга юрди.

—Ҳў, эна, ўлган одамниям қарғайдими?

Тўсатдан эшитилган бу таниш овоз кампирга ток ургандек таъсир қилди. Секин ўгирилиб ўзини арқондан бўшатаётган Шоқосимга кўзи тушди—ю, шалоплаб ерга йиқилди.

— Ҳа, эна, сизга нима бўлди? Роса хумордан чиқиб сўкдингиз—а. Ўладиган аҳмоғингиз бор экан—да! Арқонни қўлтиғимдан ўтказиб олган эдим. Ҳей туринг... Эна... Эна...

Эртасига эрталаб соат ўнга жаноза белгиланди. Фақат майит бошқа эди...

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

# САНЪАТ – ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Бугун қўшиқ хақида гапиргимиз келди. Бугун яхши қўшиқ ҳақида фикрлашгимиз келди. Зеро, ўз қўшиқлари билан ёшлар орасида мухлисларига эга бўлиб бораётган ёш хонандаларимиз бисёр. Анвар Собиров — кўпчилик учун таниш исм. Ўз куй—қўшиқлари билан эл назарига тушаётган хонандани суҳбатга тортдик.

**— Анвар, айни кунларда кинолар учун қўшиқ яратиш урфга айланиб бормоқда. Айтинг—чи, сиз кинолар учун қўшиқ яратишни истармидингиз?**

— Кинолар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар соҳанинг ўз кишиси бўлади. Масалан, актёр рол ижро қилиб, хонанда қўшиғини айтгани маъқул. Кинонинг мавзусига мослаб, яқиндан танишиб қилинган нарса бу ҳақиқатдан кино учун қилинган қўшиқ бўлади. Менда ҳали кинолар учун қўшиқ қилиш режаси йўқ эди. Кинода рол ўйнашга таклифлар бўлди. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб буни рад этдим. Насиб қилса ҳали йиллар давомида ижод жараёнида рол ўйнаб, қўшиқлар яратиб қолармиз.

**— Сиз ўзингиз ҳали ёш хонандасиз. Шундай бўлсада санъатга энди кириб келган ёшларга қандай маслаҳат бера оласиз?**

— Тўғри, машаққатсиз ҳеч қандай ҳунар бўлмайди. Шу соҳага кўнгил қўйган инсон аввало ўйлаб, бу йўлнинг охиригача боришига кўзи етиши керак бўлади. Санъат машаққатларини енгиб ўтишга куч топа билса, ҳар қандай вазиятда ўзини тутиб билса ўйлайманки, санъатта энди кириб келаётганларнинг ишлари бароридан келади.

**— Сизни бугунги кунда қўшиқчилик соҳасида нималар ташвишга солади?**

— Аввало миллийлигимизнинг сақланиб қолинишини истардим. Тўғри, ҳозирда икки хил ашулалар яратилаяпти. Биринчиси — ҳақиқий санъат бўлса, иккинчиси — тижорат учун яратилаётган қўшиқлардир. Албатта, икковининг ҳам ўз мухлислари бор. Лекин мен тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўшиқларнинг кўпроқ яратилишини хоҳлардим. Мумтоз наволарга, жонли ижрога бўлган эътиборни оширишимиз керак. Бу борада устоз санъаткорлардан кўпроқ ўрганишимиз лозим, деб ўйлайман.

**— Бугунги кунда Ўзбекистон телевидениесида фаолият кўрсатаётган Бадиий кенгашга сизнинг фикрингиз қандай?**

— Бадиий кенгаш ҳақида фикрларим ижобий. Чунки у ерда мутасаддилар қўшиқчилик соҳасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни халқимиз эътиборига ҳавола қилинмасдан олдин тўғирлаб олишимизга имконият беради. Уларнинг маслаҳатлари жуда ўринли. Масалан, менинг ҳам иккита клипим Бадиий кенгашдан ўтмаган. Лекин мен бундан ҳеч хафа эмасман.

**— Сизнинг назарингизда бугун саҳнага эътибор қандай?**

— Саҳна ҳақиқатдан ҳам муқаддас. Саҳнага чиқиб, мухлисларнинг олдида ҳисҳаяжонни улар билан бирга сезиб, бу туйғунинг муқаддаслигини билганман. Саҳнага ҳаяжон билан чиқишнинг ўзи ҳам бир масъулият. Саҳна санъаткорни тарбиялайди. Саҳна маданияти хонанданинг ижодини юксалтиради ва унга бўлган эътибор бундан кейин ҳам муқаддас бўлиб қолаверади.

**— Сизнинг биринчи саҳнангиз?**

— Биринчи марта Ўзбекистон давлат циркида қўшиқ айтганман ва бундан жуда фахрланаман. Бу менинг ҳаётимдаги биринчи катта саҳна бўлган.

**— Янги режаларингиз ҳақида...**

— Янги альбом яратиш устида иш олиб бораяпман. Янги қўшиқлар яратаяпман.

**— Санъатнинг вазифаси нимада, деб ўйлайсиз?**

— Хонанданинг ижод қилиши, куйлашидан мақсади одамларни эзгуликка етаклаш. Умуминсоний фазилатларни ардоқлаш. Санъат ҳамма даврларда эзгулик учун, гўзаллик учун хизмат қилиб келган. Бундан кейин ҳам қўшиқ дилларга таскин, ором, жўшқинлик, илҳом бахш этаверади. Инсон қалбида ишонч туйғуларини ошираверади.

**— Тилакларингиз?**

— Юртимиз осмони мусаффо, юртдошларимиз кўнгли ҳамиша нурафшон бўлсин.

**Муҳаммад СИДДИҚ, суҳбатлашди.**

# ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ!

Йигирма мингдан ортиқ шахсий компьютерлар Интернет орқали биргаликда иш олиб бориб, ҳозирда энг катта оддий сонни ҳисоблаб чиқди. Унда икки миллионта рақам бор экан.

* * *

«Филипс» голланд фирмаси ўз телевизорларига масофадан бошқарув пультини жорий эта бошлади. Бордию пульт йўқолиб қолса «овоз чиқаради». Агар бу асбобни қаергадир қўйсангиз, у уйдаги буюмлар орасида йўқолиб қолгудек бўлса, телевизорга яқин келиб, уни қўлда ёқиш кифоя. Мабодо пульт, албатта, уйнинг ичида бўлса, қаттиқ товуш чиқаради. Шуниси диққатта сазоворки, фақат АҚШга экспорт қилинадиган телевизорларгина бундай пульт билан жиҳозланади, зеро фирма, европаликлар анча тартиблироқ бўлиб, ўз пультларини тайин жойга қўйишади, деган фикрда.

* * *

Шифокорларнинг айтишича, болалар..

... она қорнида алоҳида сўз ва тушунчаларни эшитади, ҳатто фарқлайди;

... ота—онаси товушини танийди ва уларга қувончли ҳатти—ҳаракатлар билан жавоб беради;

... сўз оҳангини фарқлайди: асабий ва ҳаяжонли вазиятда уларнинг юрак уриши тезлашади, хотиржамликда меъёрга келади;

... ташқарида рўй бераётган воқеалар, ота—оналарининг уларга таъсирини эслаб қолади.

... ҳали туғилмаган болаларингиз билан гаплашинг, қўшиқлар айтиб беринг, бирга мусиқа тингланг. Оҳанг ҳомиланинг эндокрин ва қонтомир тизимига ижобий таъсир этади, организмни соғломлаштиради, унинг ақлий қобилиятига таъсир этади. Айниқса, енгил, ёқимли ва қувноқ мусиқа маъқул келади.

**С. ШОШИЙ тайёрлади.**

# МАСЛАҲАТХОНА

Эритилган чарви ёғи ва куйдирилган сариёғни тенг миқдорда қўшиб, кунига 2 маҳал наҳорда ва ётиш олдидан ярим пиёладан майда хўплаб ичиш ҳар қандай йўталга даво бўлади.

**Ж Ж Ж**

Нафас йўлларининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган ҳамма турдаги касалланишда суюқ овқатда пиширилган қўй чарвисини истеъмол қилиш энг яхши даво бўлади.

**Ж Ж Ж**

Ҳар қандай йўтал касалига беҳининг ичига асал, сариёғ солиб, отаддонда пишириб истеъмол қилинса, шифо бўлади. Даволаниш муддати эса, дарднинг эски—янгилигига, оғир—енгиллигига боғлиқ. Бу муолажа ҳамма ёшдаги одамларга бирдай фойдалидир.

**Ж Ж Ж**

Милк, бурун, томоқ каби аъзолар қичишса, демак, иссиғингиз ошиб кетибди. Энди совуқлик овқатларга ўтинг. Масалан, қатиқ, суюқ хамир овқатлар, хом булғор қалампири, шафтоли, шакароб ва ҳоказо. Шунингдек, ҳаммомга тушиб туринг.

**Ж Ж Ж.**

Чойни ва суюқ овқатларни доим илиқ ҳолда ичинг иссиғи нафас йўлларини ва қизилўнгачни касал қилади. Яъни, томоқ, қизилўнгачдаги юпқа парда куяди, натижада қичишиш туфайли йўтал пайдо бўлади.

**Ж Ж Ж**

Ҳар қандай жигар хасталигини беҳининг сиқилган суви даволайди. Ушбу мева шарбатини кунига 1—2 коса ичиб бориш лозим. Неча кун ичиш касалликнинг оғир—енгиллигига ва дармандининг мижозига боғлиқдир.

**Ж Ж Ж**

Камқонлик ( анемия ) хасталигини даволашда бир неча усуллар бор. Шулардан бири: картошкани пўстлоғи билан бирга пишириб, кейин пўстлоғини арчиб, унга озгина сариёғ солиб, эзиб, устига ош қошиқда пиёздоғ қилинган ёғ қўшиб, бир боғ кашничдан тўғраб, ҳаммасини аралаштириб, суви қочган нон билан истеъмол қилишдир.

**Ж Ж Ж**

Милкнинг иссиғи ошиб кетганда, оғиз бўшлиғида ярачалар тошганда кўк чойнинг фойдаси кўп. Бундай ҳолларда у билан ғарғара қилинади, пахтага шимдириб эмланади. Шунингдек, тез-тез кўк чойдан ичиб турилади.

**Ж Ж Ж**

Қуюлган қонни чилон жийда яхши суюлтиради.

Кесилган жойнинг қонини тўхтатиш учун оқ қандни туйиб босиш, отқулоқ баргини ёпиш, мўмиё суркаш мумкин.

**Ж Ж Ж**

Қовун, хурмо, узум балғамни яхши кўчиради. Айниқса, хурмо ўз хусусиятларига кўра, таркибидаги дармондорилари туфайли анжирга яқин туради. Юрак хасталикларининг барча турларида, диққинафас хуружида, истисқо хасталигида хурмо истеъмол қилиш кони фойдадир. Шунингдек, у томоқ без ( бодомча ) ларининг яллиғланишида, йўтал зўрайганда, танглай оғриганда ҳам шифобахш малҳам ҳисобланади. Хурмо кишини тўқ тутади, қувват бахш этади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1130. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zMTDP

# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 12 noyabr, juma

20 (301) son



# ХАЛҚЧИЛ ПАРТИЯ БЎЛАМИЗ

## ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовнинг ЎзМТДП III Қурултойидаги МАЪРУЗАСИ

Ўзбекистон умуминсоний тараққиёт тамойилларини ўзлаштира бориб, уларга мумкин қадар мукаммал риоя этгани ҳолда яшаётганига ҳам 13 йилдан ошди. Энг тараққий этган давлатларга хос бўлган юксалиш тамойиллари ва жараёнлари биз учун ҳам бегона эмаслиги эндиликда соф виждонли кишиларга аён бўлиб улгурди. Хусусан, жамиятни эркинлаштириш, ҳуқуқий-адолатли ҳаёт тарзини қарор топтириш, инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш мақсадида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар мустақиллигимиз солномасининг ўчмас ва ардоқли саҳифалари бўлиб қолди. Шу ўринда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида намоён бўлаётган ислоҳот босқичларининг ташаббускори бўлмиш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг хизматларини ҳар қанча таърифлаш ва эътироф этиш оз бўлур эди. Айниқса, ота-боболаримизнинг қадим-қадимдан орзу-армони бўлиб келаётган миллат руҳини, шон-шавкатини, ғурури-нафсониятини ўрнига қўйган ҳолда халқимизнинг ўзлигини намоён этиш борасидаги давлатимиз раҳбарининг барча саъй-ҳаракатлари партиямиз ўз олдига қўйган энг эзгу мақсад-вазифаларга ҳамоҳанг десак хато бўлмайди.

«Миллий тикланиш» партияси халқимизни комил миллат мақомига олиб чиқишни ўзининг муқаддас мақсади деб ҳисоблайди! Миллий уйғониш, миллий тикланиш орқали Ўзбекистон халқи ер юзидаги ҳеч бир халқдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини кўрсатишга интилади. Ва бу мақсадга сўзда ё қоғозда эмас, реал ҳаётда эриша олишига ишонади.

Худди шунга ўхшаш эзгу ниятлар боис ҳам «Миллий тикланиш» партияси қарийб 10 йилдан буён фаолият юритмоқда, унинг ўз атрофига жипслаштирган сафдошларининг сони бугунга келиб 50 мингдан ошиб кетди. Маслакдошларимизни ўзак-ўзагини ташкил этган фаолларимиз халқимиз тафаккури, хоҳиш-иродаси ва эзгу орзуларини умумлаштирган ҳолда сиёсий кучга айлантиришга уринмоқдалар.

Ўзбекистон кўппартиявий мамлакат сифатида жаҳонга танилмоқда. Сиёсат майдонида беш хил ғоя тарафдорлари фаолият юритмоқда. Бу гапни эшитганлар орасида дарҳол қулоғини динг қиладиган ва «Бизда барча партиялар бир хил-ку!» деб иддао ёғдирадиганлар топилади. Республика телевидениесининг «Сиёсат» студияси ташкил этган телебаҳслар чоғида малакатимиздаги партия етакчиларининг ушбу мавзу теварагидаги фикр алмашинувлари қизғин тус олгандек ҳам бўлади. Лекин очиғини айтадиган бўлсак, бу сингари баҳсларда асосий муаммодан четлашиб кетилиб, масала очиқлигича қолмоқда. Одатда, муаммонинг у ёки бу жиҳатлари пинҳона тутилган жойда масала шу тариқа очиқлигича қолаверади.

Агар бешала партия уставлари синчиклаб назардан ўтказилса, улардаги тафовутлар кўринади, албатта. Бироқ холис олиб қаралса, ҳар қандай партия ҳам ўз уставидаги мақсад ва вазифаларни реал ҳаётдан, мавжуд муаммолардан, кенг халқ оммасини ўйлантирган орзу-ҳаваслардан келиб чиқиб белгилайди. Мисол учун, мамлакатимизда ишсизлик муаммоси ниҳоятда долзарблигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шундай экан, қайси партия ундан кўз юма олади? Қайси партия бу масалани иккинчи даражали деб ҳисоблайди?..

Ҳеч бири!

Демак, муайян маънодаги бир хилликнинг объектив сабаблари йўқ эмас. Шу билан бирга партияларни бир хиллаштириб турган субъектив, яъни партияларнинг бевосита ўзига тааллуқли сабаблар ҳам мавжудки, уларни тан олмай иложи йўқ. Улардан бири-партияларимизнинг ҳаммасига хос бўлган у ёки бу даражадаги пассивлик! Ommалаша олмаётганлик! Халқимизнинг кўпроқ вакилларини ўзларига жалб эта билмаслик!

«Партияларнинг бош вазифаси ҳокимият учун кураш» деган гапни кўп эшитамиз. Буни инкор этолмаймиз, бироқ ўзи ҳали-вери сиёсий кучга айлана олмаётган партия қандай қилиб ҳокимият учун курашади?! Шу нуқтаи назардан заифлигимиз ҳақидаги турли даражадаги танқидий мулоҳазаларни тан олмай иложимиз йўқ.

Бошқа партияларни қўя турайлик-да, ўзимизнинг дастуриламалимиз бўлмиш партиямиз Уставининг аввалида зикр этилган қуйидаги сўзларга эътибор қилайлик: «Партиянинг бош мақсади-миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш.» Ушбу жумлаларнинг давомига эътибор берсак, барча эзгу ниятлар йўлига халқимизнинг ниҳоятда кенг оммасини, армиясини сафарбар этиш истаги баён этилган. Ҳамма гап мана шунда! Худди шу истак рўёбга чиқсагина партиявий маслакдошлар ҳаракати қудратли сиёсий кучга айланади., ана шундагина партия жамиятнинг муайян тоифа вакилларига раҳнамоликка эришади ва шу орқали жамият қиёфасини, халқнинг турмуш тарзи, интилишларини у ёки бу томонга йўналтириш қудратига эга бўлади. Ҳозир-чи?

Ҳозирги паллада бошқа партияларда бўлаётганидек, партиямиз олдида ўзига сафдош ва хайрихоҳлар сафини кўпайтириш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Жорий йилнинг тахминан иккинчи ярмидан мамлакатимизда кенг тус ола бошлаган сайлов кампанияси билан боғлиқ жараёнларни мисол қилиб келтирсак, ўзига хос қизиқ ва ғалати ҳолат кузатилмоқда: бир томондан фуқаролар ўртасида партияларга қизиқиш, интилиш кучайган бўлса, иккинчи томондан партияларнинг жамиятимиздаги энг нуфузли, энг эътиборли шахсларни ўз сафларига тортишга уриниш кучайди. Бу-сиёсий курашлар арафасида юз берадиган табиий ҳол. Бироқ сиёсий курашлар қизиган ё қизимаганидан қатъий назар, сиёсий партиянинг жозибасини қандай қилиб ошириш мумкин? Қандай йўл тутилса унга янада кўпроқ вакиллар келиб қўшилади?

Биринчи навбатда, партия аъзоларининг партиянинг тутган йўли, ўзи учун белгилаган мақсад-вазифалари, маслагига бўлган ишонч-эътиқоди қатъий ва мустаҳкам бўлмас экан, унга ўзгаларни ишонтириш қийин. Дарҳақиқат, ўзинг ишонмаган нарсага ўзгани қандай қилиб ишонтира оласан?! Ишониш учун эса ўз маслагингни сева олишинг, унга кўнгил қўйган бўлмоғинг шарт!

Одам хатти-ҳаракати, елиб-югуриши, гап-сўзи, ҳатто қадам олиши-ю, кўз қарашларигача астойдилми-йўқми, самимийми,ясамами билиниб-сезилиб туради. Партиянинг иши, партиянинг ҳаракати ҳам шундай: унга қандай муносабатда бўлсанг, экканингни ўрасан, деганларидек, жавоби ҳам, натижаси-ю, самараси ҳам муносабатингга яраша бўлади!

Азиз сафдошлар, маслакдошлар! Қўлингизга тарқатилган ҳисобот матнида партиямиз Марказий Кенгашининг кейинги 5 йиллик фаолияти қамраб олинган. Унда Республикамизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида жуда кўплаб учрашувлар, суҳбатлар, давра гурунглари бўлиб ўтгани зикр этилган. Мен уларнинг барига тўхталмоқчи эмасман, балки ана шундай дийдорлашув чоғларида ҳам партиямиз етакчилари, фаоллари ёшу кекса ватандошларимизнинг қалбига «Миллий тикланиш»га муҳаббат уруғини қадашга ҳаракат қилганларини таъкидламоқчи эдим. Мисқоллардан ботмонлар ва тонналар вужудга келганидек, худди шунинг сингари тадбирларда партиямизга хайрихоҳлар кўпаяди.

Одамлар ҳар-хил, уларнинг орасида ўзини сиёсий ҳаётдан олиб қочадиган, партия нима-ю, сайлов нима эканлиги билан заррача иши бўлмаганлари ҳам топилади. Айрим учрашувларда «Мен шундай партия мавжудлигини биринчи бор эшитиб турибман» деганларни учратсак, кишига андек оғир ботган ҳолатлар бўлди. «Миллий тикланиш» иборасининг моҳиятида нечоғли улкан мақсадлар борлигини билиб-англаб юрганлар ҳам йўқ эмаслигини кўрганда фахрланиб кетган дамларимиз ҳам кўп бўлди. Сирдарёнинг Оқ-олтин туманидаги коллежлардан биридаги учрашув чоғида бешинчи ё олтинчи синф ўқувчиси кўзлари чарақлаб, «Биз ҳам «Миллий тикланиш»га аъзо бўлишимиз мумкинми?» деб сўраганида бошимиз осмонга етди.

Ортда қолган беш йиллик фаолиятдан кўнгил тўладими, деган саволга мавжуд шарт-шароитдан, имкониятлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, партиямиз етакчиларининг, Марказий Кенгаш аъзоларининг меҳнатларини қониқарли дея баҳолаш адолатдан бўлур эди. Айни чоғда Андижон вилояти (вилоят кенгаши раиси Абдурашид Тўхтабоев), Тошкент вилояти (Шарифа Салимова), Тошкент шаҳри (Хайринисо Мирзажонова), Самарқанд вилояти (Абдуқаюм Каримов), Сирдарё вилояти ( Маматқул Бозорбоев), Навоий вилояти ( Исматулла Муҳаммадиев )«Миллий тикланиш»чиларининг саъй-ҳаракатларини муносиб баҳоламоқ лозим. Мен Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги бўлими директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Қаландар Абдураҳмоновнинг жонкуярлигини, жонбозлигини алоҳида ибрат қилиб кўрсатган бўлур эдим.

Мамлакатимизда бўлажак сайловлар олдидан куни кеча сайловда иштирок этишни таъмин этувчи 50 минг имзо тўплаш, ундан сўнг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ўтказилажак сайловга номзодларни кўрсатишга доир катта ҳажмдаги иш амалга оширилди. Ана шу ишларда ҳам ҳозиргина санаб ўтилган вилоят кегнашлари раҳбарлари жон койитиб меҳнат қилдилар. Партиямиз етакчилари орасида ташаббус аёлларимизда эканини тан олишимиз лозим. Шарифа Салимова, Мунира Қориева, Гуландом Боқиева, Хайринисо Мирзажонова, Жаннатой Тошматова сингари аёлларимиз шулар жумласидан.

Умумишимизга қўл учида, истар-истамас, ҳатто беписандларча муносабатда бўлганлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, партиямизнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган, шу беш-олти кун мобайнидаги ғайрат-шижоатимиз, ҳаловатсизлигимиз камида беш йиллик ҳаловатимизни таъминлашини кўриб-билиб тургандик... Бундай биродарларимизнинг номларини келтириш заруўрати йўқ, чунки ўз партиясига, сафдошларига бу қадар совуққон,камҳафсала муносабатда бўладиганларга эндиги сайловдан кейинги келаётган ҳаётнинг ўзи тегишли баҳосини беради, албатта. Ўша кунларга эса бор-йўғи икки ой қолди, холос.

Партиямизнинг II Қурултойида қилинган маърузада «XXI Аср келяпти» деган сўзлар бор эди. Кўз очиб юмгунча XXI асрнинг тўрт йилини ҳам ортда қолдирмоқдамиз. Вақт оқими шиддатида умр ҳам ўтаверади. Вақтнинг ҳам, умрнинг ҳам қиммати эзгу ниятлар ва шу ниятларга яраша амалга оширилган ишлар билан ўлчанади. Муборак ҳадиси шарифлардан бирида кишининг ўйлаганидек гапириши ва гапираётганидек ўйлашининг ҳикмати баён этилган эди. Ният ва амалнинг уйғунлигига ҳам фақат ана шу йўл билан эришиш мумкин. «Миллий тикланиш»чилар бунга қодир дея тўла ишонч билан айта оламиз!

*Сиёсий партиялар ва сайловлар:*

# ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ

**Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуман ана шу мавзуга бағишланди**

*Давра суҳбати*

Юртимизда сайловларга тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Бу жараён сайловларнинг демократия йўлидаги муҳим қадам эканлигини кўрсатмоқда. Сайловга бағишлаб ўтказилаётган турли анжуманлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлаётир.

Сайлов кунигача амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Фуқаролар айни дамда сайлов соҳасида халқаро тажрибалар ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Бу борадаги жаҳон амалиёти, халқаро андозалар, илғор тажрибалар кўпчиликнинг эътиборини жалб этиши табиий. Сайловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, ўзларига берилган имкониятлар моҳиятини чуқурроқ англаб етишга интиладилар. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамоатчилик билан алоқалари шу тариқа сайловлар давридан бошланади. Дунёвий фан ҳисобланмиш Паблик рилейшнз (PR, пиар) нуқтаи назаридан қаралганда сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари айнан сайловлар даврида алоҳида ўрин тутади. Шундай экан сиёсий маданияти юксалаётган фуқароларимиз ўз тақдирларига дахлдор бўлган сайловлар жараёнига бефарқ қарамайдилар. Улар сайлов қонунлари билан бир қаторда бу борадаги жаҳон андозалари, илғор тажрибаларга ҳам катта қизиқиш билан қараётганлари сир эмас. Фуқароларнинг шундай маънавий эҳтиёжларига монанд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа қатор муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, турли анжуманлар одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу тадбирларда билдирилаётган таклифлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, хорижий экспертлар ва мутахассислар томонидан баён этилаётган фикрлар баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Ҳаёт ҳақиқати ана шундай баҳсларда ойдинлашади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилган навбатдаги халқаро анжуман шу йил 4-5 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилди. «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзуига бағишланган ушбу давра суҳбатида сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фракциялари аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Япония, Ҳиндистон, Россия, Украина каби мамлакатлардан келган сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотлар, жамғармаларнинг вакиллари ва бошқалар ҳам дастурда белгиланган мавзулар юзасидан ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

— Сайловларда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу борада муайян тажрибалар тўпланган, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Аъзамжон Раҳманов. — Бугунги давра суҳбатида халқаро тажрибалар, илғор усуллар ҳақида ранг-баранг фикрлар айтилди. Бу эса, кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев округ ва участка сайлов комиссияларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берди.

Анжуманда «Вакиллик демократия тизимида сиёсий партиялар: жаҳон тажрибаси ва унинг турли давлат бошқаруви шаклларида намоён бўлиши хусусиятлари», «Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва замонавий сайлов тизимлари», «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштироки: стратегия ва тактиканинг умумий тамойиллари», «Қонунчилик сиёсий партиялар тўғрисида: халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш хусусиятлари», «Парламент сайловлари: сиёсий партиялар рақобати», «Сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолияти ва уларнинг жамиятдаги таъсирини ошириш-нинг бошқа шакллари» каби мавзуларда 6 та сессия мажлиси белгиланган эди. Ҳар бир мажлисда хорижлик мутахассислар билан бир қаторда сиёсий партиялар етакчилари ҳам маърузалар ўқишди.

— Икки палатали парламентда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлиши ҳақида халқимизга аниқ ва тўғри тушунтиришимиз зарур, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов. — Партиямиз фаоллари ҳар бир муаммонинг ечимини одилона ҳал этишда жамоатчилик фикрига таянмоқда. Жамоатчилик билан алоқалар партиямиз фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

«Миллий тикланиш» партияси Марказий кенгаши раисининг «Миллий ғоя фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси сифатида» мавзуидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаб бориши юртимизда демократияни равнақ топтиришга хизмат қилади. Айниқса, сайловлар даврида сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлади. Тараққийпарвар мамлакатларда ҳам сиёсий партиялар сайловлар даврида янада фаоллашиши кузатилган. Жамоатчилик билан алоқалар бир жиҳатдан партия имиджини оширса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Икки кун мобайнида қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган халқаро анжуманда хорижлик мутахассислар, шунингдек, сиёсий партиялар, қатор вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари томонидан билдирилган фикрлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди.

**Тўлқин ЭШБЕК, журналист.**

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРНИНГ САЛМОҒИ

## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ III ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республикамизда шу йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтиши мўлжалланган муҳим жараён-Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов олдидан 31 октябр куни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги Киночилар уйида ўтказилган Қурултойда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидан келган 225 нафар делегат иштирок этди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Қурултойни очиқ деб эълон қилди. Шундан сўнг Қурултой кун тартибидаги биринчи масала юзасидан партия Марказий кенгашининг раиси Хуршид Дўстмуҳамедовнинг ҳисобот маърузаси тингланди.

Маърузачи ЎзМТДПнинг ўтган йилларда амалга оширган хайрли ишлари, партиянинг бевосита халқимизнинг орзу-умидлари, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, шу билан бирга, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлидаги мақсадлари ва яна бир қатор масалалар юзасидан сўзлаб ўтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала- ЎзМТДП тафтиш комиссиясининг 2000 йилдан 2004 йил 10 октябргача бўлган даврдаги тафтиш натижалари юзасидан комиссия раиси Раҳматали Жалиловнинг ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ» факультети декани Лола Саидова учинчи масала-партиянинг сайловолди Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди ва бу лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Худди шу масала юзасидан иккинчи маърузачи Микробиология институти лаборатория мудири, биология фанлари доктори Заҳро Аҳмедова қуйидагиларни гапириб ўтди:

-Шаксиз, Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилиш Республикамиздаги партияларнинг устувор вазифаларидандир. Айтиш мумкинки, партиямизнинг Ҳаракат дастури лойиҳаси кенг қамровли. Дастур лойиҳасида кўп масалалар қатори иқтисодий масалаларга ҳам тўхталиб ўтилган. Барчамизга маълумки, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш мамлакат ривожида муҳим ўрин тутади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш, ривожлантириш ҳар бир партия дастурининг бош мақсади бўлмоғи лозим. Юртимиздаги божхона ва солиқ тизимидаги муаммолар ҳамда аҳолининг талаб, истакларидан келиб чиққан ҳолда солиқ системасидаги фоизларни камайтириш, энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида ҳам Дастурга қўшимчалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кун тартибидаги ЎзМТДП Уставига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан партиянинг Олий Мажлис фракцияси аъзоси Раҳматали Жалилов сўзлади. Маърузачи ЎзМТДП Устави тасдиқланганлигига 10 йил бўлгани, бу йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200 дан ортиқ қарорлари қабул қилинганлиги ва шулардан келиб чиққан ҳолда партия Уставига ўзгартишлар киритилганлигини эълон қилди ва сўзининг якунида партия Устави бугунги кун руҳига қараб бойитилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу масала юзасидан иккинчи маърузачи партия Марказий Кенгаши аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Қаландар Абдураҳмонов сўз олиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

-Шу йилнинг 26 декабридан бошлаб амалга ошадиган икки палатали парламентга ўтиш Ўзбекистоннинг демократик-ҳуқуқий давлат қурищ йўлидаги яна бир собитқадам ташланганидан далолат беради. Ушбу тадбирга бизнинг партиямиз ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мақсади,- деб кўрсатилган унинг Янги таҳрирдаги Уставида,- миллатни ўз-ўзини англашини, миллий тафаккурлашига кенг йўл очиш, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат дунё-

**(Давоми 3-бетда).**





**БИЛДИРИШ**

ЎзМТДП 2004 йил сайловларини ўтказиш бўйича партиянинг штаби қуйидаги манзилда жойлашган.

**Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси — 24-уй, 3-қават 7,8-хоналар.**

**Телефонлар: 152-34-12, 56-86-39.**

# ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 2004 ЙИЛ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

XX асрнинг 90-йиллари арафасида озодлик, тенглик, демократия, ижтимоий ўзгаришларнинг кучли ҳаракатлари қўзғалиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўли, миллий давлат манфаатларидан келиб чиққан ички ва ташқи сиёсати шаклана бошлади.

Миллий истиқлол мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун қулай имконият майдони эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари билан тарихан қисқа даврда ранг-баранг ҳуқуқий давлат қуришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларнинг вужудга келиши ва етилиши учун барча асослар яратишга киришилди.

Тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этган ижтимоий барқарорлик, миллатлараро аҳиллик, тинчлик каби қадриятлар асосида мамлакатимизда барча соҳалар бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда ва улар сезиларли натижаларини бермоқда.

Мустақил миллий давлатчиликни шакллантириш ўзини англаш ва таниш йўлидаги ижтимоий-маънавий сиёсатнинг — миллий уйғонишнинг маҳсули сифатида 1995 йилнинг ўртасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топди.

Партия теран миллий руҳ ва дунёқарашга эга бўлган, ўзлигини англашга интилаётган, руҳан ва қалбан ватанпарварлик ғояларини ифода этаётган, сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўзини-ўзи бошқаришга интилаётган, миллий бирлик ва миллий тикланишни муҳим ҳаётий мақсадлари деб ифода этаётган фуқароларнинг қарашлари ва манфаатларини бирлаштирган сиёсий ташкилот сифатида туғилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси жамиятнинг зиёлилар, миллий тараққиёт йўлидан бораётган мулкдор ва тадбиркорлар, ижодий фаолият билан машғул интеллектуал меҳнат соҳаси вакиллари, истиқлол ғоясига берилган ёшлар — талабалар, ўқувчилар, халқчил анъаналарни минг йиллардан буён асраб, ўз қарашларида мамлакатнинг миллий манфаатларини ифодалаб келаётган фуқаролар ҳамда партияга хайрихоҳ бошқа ижтимоий табақаларнинг қарашлари, маслаклари, манфаатлари ва мақсадларини уйғунлаштирувчи сиёсий куч сифатида расмийлашди.

Партия кейинги тўққиз йил мобайнида мамлакатда бораётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий тикланиш жараёнлари ва руҳининг ифодачиси сифатида жамият ҳаётидан ўз ўрнини топди. Ва партия ҳозирги ўтиш даврида ўз ғоялари, мақсад ва вазифалари, йўналишлари мамлакатимиз ҳаётини, фуқароларимиз турмушини янада яхшилаш, фаровонлаштириш борасида жуда зарур деб ҳисоблайди.

а) Сиёсий мақсадлар:

Партиянинг бош мақсади — мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш. Партия шу мақсад доирасида Ўзбекистонда мустақил миллий-демократик давлат барпо этиш концепциясига асосланади. Уни амалга ошириш халқнинг миллий тикланиши — ободлик, фаровонлик, тараққий этган илм-фан, маърифатга эришиши билан уйғун кечиши кўзда тутилади.

Ҳозирги даврда мамлакатда миллий тикланишнинг ўзига хос босқичи — замонавий давлат — замонавий бошқариш тизимларини барпо этиш жараёни билан боғлиқ ислоҳотлар давом этмоқда. Партиянинг эндиги долзарб вазифаси — жамиятдаги миллий қурилиш жараёнларини янада авж олдириш ва чуқурлаштиришга ўз муносиб ҳиссасини қўшишдан иборат.

Бу босқич жамият аъзоларида миллий ва ижтимоий уйғунлашуви, миллий истиқлол мафкурасининг халқнинг умумий дунёқараши сифатида ифодаланиши, миллатнинг эски тоталитар асоратлардан батамом халос бўлиши, миллий уйғониш жараёнларини кучайтириш ғояларини амалда кенг намоён бўлишини тақозо этади. Шунингдек, бу босқичда кичик хусусий мулкдорлар табақасининг қувватга кириши, янги малакали ишчи, хизматчи-мутахассислар тоифасининг жамиятнинг ўзак кучини ташкил қилувчи ижтимоий табақалар сифатида шаклланиши, таълим ва маърифатнинг авж олиши, эркин оммавий коммуникация — ахборот воситаларининг дунёдаги илғор мамлакатлар даражасига етиши, айниқса, фуқароларда мутелик, ҳафсаласизлик, лоқайдлик кайфиятининг барҳам топиши, давлат органлари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг демократик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиши, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда астойдил иштироки кучаяди. Партия ўзини ушбу жараёнлар ичида деб билади ва уларга ўз сиёсий таъсирини кўрсатиб боради.

Партия фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини ҳозирги давр миллий тикланишининг энг муҳим таркибий қисми деб қарайди.

Партиянинг бош сиёсий мақсадларидан бири миллий хусусиятларимиз ва анъаналаримизни ҳисобга олиб, фуқаролик жамияти доирасида бошқарувнинг барча оқил усулларидан самарали фойдаланишдир. Уни амалга ошириш учун партия давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг самарали қатнашуви, қарорлар қабул қилишда уларнинг тенглиги ва фаоллигини таъминлаш, халқнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳокимият органлари фаолияти устидан фуқаролар ва жамоат ташкилотлари назоратини ўрнатиш каби демократик қадриятларни ҳаёт таомилларига айлантиришга интилади.

Партия жамиятни қонунлар бошқариши шарт, деб ҳокимият органлари эса, қонунларни амалий жиҳатлардан ишлашини назорат қилиш воситасидагина фуқароларнинг сиёсий эркинлигини таъминлаши мумкин деб ҳисоблайди. Фақат демократик жамиятдагина озод шахс ривожланади, ўз ҳаётининг эркин эгасига айланади, ўз ихтиёри ва иродаси билан доимий камолотга интилиб бориш имкониятини қозонади деб билади.

Партия жамиятимизда БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг тўла рўёбга чиқиши тарафдоридир ва партия ўз фаолиятини ана шу эзгу мақсадларни амалга оширишга бағишлайди. Шу мақсадларда партия илғор ва етук демократик мамлакатлардаги сиёсий плюрализм, ижтимоий муносабатларни, демократиялаштириш тажрибаларини ўрганади ва уларни мамлакатимизнинг, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳаётда қўллашга ҳаракат қилади.

б) Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир мақсадлар:

«Миллий тикланиш» демократик партияси халқнинг баркамоллиги ва фаровонлиги манбаи хусусий мулкка эга бўлиш ва эркин тадбиркорлик ҳамда ишбилармонликни ривожлантириш, унга имкон ва шарт-шароитлар яратишга қодир солиқ тизимини қўллаш деб билади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро мамлакат Конституциясида мустаҳкамлангани каби эркин меҳнат қилиш, дам олиш, меҳнат хавфсизлигига, меҳнат ҳақининг кафолатланган ҳажмларига эга бўлиш ҳуқуқи билан таъминланиши партиянинг дастурий мақсадларидандир.

Партия миллий тараққий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жамият барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни амалга оширишга хизмат қиладиган, кескин мулкий социал тенгсизликларни келтириб чиқармайдиган иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, мукаммал солиқ тизимини яратиш, чунончи, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва адолатли солиқлар тизими тарафдоридир. Бюджет харажатларининг ижтимоий йўналганлигини кучайтира бориш, харажат қилиш ва даромадларни оқилона тақсимлашни ҳимоя қилиш амалиётини юритишда партия ижтимоий-ҳуқуқий давлат тамойилларининг изчил ва мустаҳкам кучга кириши учун ҳаракат қилади.

Партия ҳар бир фуқаронинг тирикчилик ўтказишга, ҳаётини моддий ва маънавий жиҳатдан юқори савияга кўтаришга йўл очувчи тадбирлар мажмуасини амалга оширади ва бу ҳуқуқларнинг Парламент томонидан қонунлар ва бошқа ҳужжатлар воситасида мустаҳкамланишига саъй ҳаракат қилади.

Миллий тикланиш аслида оиладан бошланади. Партия оилани ҳимоя қилади. Унинг бутлиги, яшовчанлиги, яхши яшаш, ўсиш-униш бахтига қобиллиги, замонавий фикрлайдиган ва ҳаракат қиладиган кишиларни етиштириш ўчоғи бўла билиш салоҳиятини қадрлайди. Партия оилаларда ишлайди. Айниқса, иш билан банд оналар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳақ тўланадиган таътилларни оқилона узайтириш, уларнинг уйдаги меҳнатини ташкил этиш, бола тарбияси билан боғлиқ муаммолардан уларни хабардор қилиб боришни ёқлаб чиқади. Болалар ва ўсмирлар мажбурий меҳнатдан муҳофаза қилинишини кузатиб боради. Оиланинг сифати, савияси, даражаси унинг аъзоларининг маълумот даражаси, даромад даражаси, малака даражасига чамбарчас боғлиқдир. Шу уч нарсадан турмуш ва ҳаётнинг сифати, савияси ҳосил бўлади. Партия бу ҳодисаларнинг оила ҳаётига илмий асосда, мунтазам сингиб, ўзлашиб боришини ёқлайди, буни ўзининг энг муҳим вазифалари қаторига қўяди.

в) Демократик фуқаролик жамиятини қуриш соҳасида энг аввало:

Кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган фуқаролик институтларини шакллантириш учун жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, нодавлат жамоаларнинг жамият бошқарувида иштирокини таъминлаш, давлат ҳокимият органлари иш фаолиятини шаффофлаштириш, раҳбарларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотлар олиб боришини доимий одатга айлантириш халқнинг турмуш тарзига алоқадор барча миқёсдаги масалаларни ҳал этишда муҳокама ва маслаҳатлашувлар шаклларини ишлаб чиқиш;

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг самарали бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган адвокатларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари фаолиятини, улардаги кадрларнинг суиистеъмолчилик қилишларига қарши назорат механизмини яратиш лозим.

г) Ташқи сиёсат соҳасида:

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш, республиканинг БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида фаоллигини кучайтириш, Ўзбекистоннинг универсал, минтақавий ташкилотлардаги вакиллигини таъминлаш билан бир қаторда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзбекистонлик мутахассисларни халқаро ташкилотларнинг тизимларида ишлашларига шарт-шароитлар яратиш ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш;

давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама муносабатлардаги иқтисодий дипломатияга устуворлик бериш, минтақавий ҳамкорликнинг иқтисодий алоқаларини қулай ва имтиёзли режимлар яратиш йўли билан ривожлантириш, йўл коммуникацияларини қуришни қўллаб-қувватлаш;

Марказий Осиё давлатлари аро интеграцияни чуқурлаштириб, солиқ, божхона ва бошқа иқтисодий соҳадаги қонунчилик тизимларини яқинлаштириш, Ўзбекистоннинг стратегик шерик давлатлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантирувчи дастурлар ишлаб чиқиш ва шартномалар тузиш;

Ўзбекистоннинг минтақавий ва дунё миқёсидаги интеграциялашуви имкониятларини кенгайтирган ва тобора жадаллашаётган глобаллашув жараёнларидан узилиб қолмаслигини кўзлаган ҳолда халқимизнинг энг яхши миллий манфаатларига, азалий қадриятларига путур етказмаслик, миллий ўзлигини сақлаш ва шу йўлда юз бериши муқаррар бўлган ташқи ахборот таҳдидларидан сақланиш иммунитетини яратиш мақсадга мувофиқдир.

д) Иқтисодий соҳада:

«Миллий тикланиш» демократик партияси мамлакат иқтисодиётини барқарор ва юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, уни эркинлаштириш ва шу орқали ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини авж олдиришнинг энг мувофиқ йўли деб қараб, рақобат муҳитида фаолият кўрсата оладиган ва аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич ошириб боришга қодир иқтисодиётни барпо этиш, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқишни ҳаракат дастурининг бош мақсади деб қарайди. Жамиятнинг иқтисодий тизимини мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий демократия ташкил этади; истеъмолчи, хусусий тадбиркор, бозор ва рақобатнинг суверенлигини, бунда миллий анъаналар ва хусусиятлар ҳам сақланишини жорий этиш долзарб иқтисодий вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, партия бозор муносабатларини ижтимоий сиёсат талабларидан келиб чиқиб мувофиқлаштириш сиёсатининг тарафдоридир.

Партия эркин ва демократик иқтисодиётга ўтиш мақсадларида:

— жаҳон бозорига интеграцияни кучайтириш учун фермерлар, ишбилармонлар, тадбиркорларга эркин иқтисодий макон яратиш учун ҳаракат қилади. Мамлакат шароитидан келиб чиқиб кичик бизнесни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўради;

— хусусий ва шахсий секторнинг ривожланиши учун тўсиқ бўлиб турган бюрократия, тамагир амалдорлар, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига мухолиф нуқтаи назардаги мафкуравий қарашларга қарши демократик йўллар ва услублар билан кураш олиб боради, зиёли яшаш ва фикрлаш йўлига кирган табақаларнинг манфаатларини партия дастурий мақсадларида ифода этади ва унинг бажарилиши учун ҳаракат қилади;

— барқарор пул ва валюта тизимини барпо этишни таклиф этади;

— иқтисодиёт соҳасида атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайдиган технологиялар, корхоналар ва хўжаликларнинг кўпайишига, илдиз отишига муҳим аҳамият қаратади;

— ишсизликнинг олдини олиш мақсадларида маҳалла, қишлоқ ва бошқа аҳоли зич жойларда маҳаллий шароитлар ва бозор талабларини ҳисобга олиб, кичик бизнесни ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди, хусусий ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, уларни ҳимоялаш мақсадларида ҳукумат олдига таклифлар ва тавсиялар билан чиқади;

— қишлоқдаги деҳқоннинг ерга нисбатан хусусий эгалик тушунчасининг қарор топишига ёрдамлашади: унинг ишлаб чиқарган маҳсулотини эркин тасарруф этишини, олинадиган даромад ва фойдаларга ўзи эгалик қилишини қўллаб-қувватлайди, бу маҳсулотларга ўз ихтиёрига яраша харидор топишини, шунингдек, деҳқонларнинг иш ҳақлари ва маҳсулотларини сотишдан келадиган маблағлари қатъий ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиб боради, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун Олий Мажлис сессияларига ва давлат органларига таклиф, тавсия ва ташаббуслар билан чиқади;

— оналик ва болаликни, ногиронлар ва пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, узоқ умр кўришни таъминлаш йўлида тиббий хизматни тубдан яхшилаш борасидаги дастурларда иштирок этиш;

— қашшоқликни енгиб ўтиш ва аҳолининг энг муҳтож қатламларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тузилаётган миллий дастурда партиянинг ўз таклифлари билан чиқишини таъминлаш;

— мулкчиликнинг барча шаклларида иш берувчилар ва ходимлар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни келишиб олишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликнинг таъсирчанлигини янада ошириш борасидаги тадбирларда фаол иштирок этиш;

— меҳнат низоларининг олдини олиш мақсадида иш берувчиларни Меҳнат кодекси асосида масъулиятини ошириш, энг кам маош ва нафақалар миқдорини кескин кўтариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

— ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш бўйича мавжуд иқтисодий дастаклари орасида иш ҳақини истеъмол «саватчаси»дан келиб чиқиб, унинг янги ва самарали усулларини ишлаб чиқиш тадбирларини белгилашда таклифлар киритиш.

Партия эркин ва демократик иқтисодиётга ўтиш мақсадларида:

аҳолининг даромадларини ошириш учун ҳаракат қилади;

хусусий мулкчилик ва мулкдорларнинг шаклланишини тезлаштириш йўлларини кўпайтиришга ҳаракат қилади;

давлат органлари томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқини поймол қилинмаслиги учун кураш олиб боради;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди;

мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни кучайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ички рақобатни кучайтириш орқали юксалтириш ҳамда мамлакатда либерал иқтисодий маконни вужудга келтириш глобаллашувни чуқурлаштирувчи энг муҳим омиллардан деб ҳисоблайди;

иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни доимий равишда янгилаб бориш, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносиб ўрин эгаллай оладиган замонавий тармоқларни жадал ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун ташаббуслар билан чиқади;

аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, бу соҳада аҳолининг иш билан таъминланишини ҳамда малакага эга бўлишини ошириш;

аҳолининг истеъмол даражасини кескин кўтариш ва уни ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш;

мамлакатда ҳалигача давом этаётган хом ашё тасаррифига асосланган иқтисодни тугатиш, бунинг ўрнига қишлоқ ва шаҳарларга тезроқ замонавий қайта ишловчи, экологик жиҳатдан хавфсиз хориж технологияларини олиб кириш, оқилона ва узоқ келажакни мўлжаллаган саноатлашув жараёнини тезлаштириш.

Шунингдек, партия миллий иқтисодиётни тез суръатларда ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларни таклиф этади:

1. Хорижий сармоядорлар ва жисмоний шахсларга қулай инвестицион муҳит яратиш ҳисобига ишсизликни камайтириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида:

— хорижий ва жисмоний шахслар инвестицияларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларига (енгил саноат, маҳаллий саноат, қайта ишлаш саноати) йўналтириш. Биринчи галда, ушбу соҳаларда мавжуд бўлган тўла фойдаланилмаётган қувватларни қисқа муддатларда реконструкциялаш, техник жиҳатдан қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш;

— пахтадан тайёр экспортбоп маҳсулотлар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги қувватларни барпо этиш;

— мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш бўйича илғор технологиялар асосида мавжуд қувватларни қайта қуриш ва тўлалигича экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи янгиларини барпо қилиш;

— мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида қўл меҳнатини кўп талаб қилувчи, ҳозирда асосан импорт ҳисобига таъминланаётган радиоэлектроника, компьютер технологиялари ва маиший техникаларни ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо қилиш.

2. Бюджетдан ажратилаётган маблағлар ва ҳукумат кафолатлари асосида жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитларни биринчи галда қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ( маълумотларга қараганда, айнан мана шу соҳаларга йўналтирилган инвестициялар арзон ҳисобланади) қаратиш.

3. Қуйидагилар ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кескин ривожланишини таъминлаш:

— жисмоний шахслар мулкини ошкора ишлатиш бўйича ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаштириш механизмини янада соддалаштириш;

— солиқлар ва тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи қўшимча чора-тадбирларни изчил давом эттириш;

— соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва уларга қарши курашишда иқтисодий, ҳуқуқий ва мафкуравий механизмлардан оқилона фойдаланиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси ташкилотлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни бозор талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш.

4. Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи миграцияни ташкил этиш бўйича 15-20 йилга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва унда ижтимоий хавфсизликни таъминловчи ҳуқуқий механизмларни мукаммаллаштириш.

5. Қишлоқ хўжалигида:

— моддий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам мамлакат, ҳам ҳудудий миқёсда босқичма-босқич режалаштиришга ўтиш;

— маҳсулотларнинг харид нархларини бозор нархларига тенглаштириш;

— хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тизимини тартибга солиш ва улар тармоғини кенгайтириш;

— қишлоқ хўжалигида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва уларга қарши кескин курашишда мафкуравий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш.

**Маънавият соҳасида**

Партия ўзбек халқининг маънавий-маданий меросига, миллий, бадиий-фалсафий, аҳлоқий, ижтимоий-сиёсий тафаккурига, имон, адолат, эътиқод қадриятлари ва комил инсонни шакллантириш ғоя ва анъаналарини қайтадан тиклашга ҳаракат қилади.

Миллий давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини назарда тутиб партия ўзининг бутун куч-ғайратини келажаги буюк бўлган Ўзбекистонни барпо этувчи маънавиятли, маърифатли, маданияти юксак авлодларни шакллантиришга қаратади.

Партия маънавий-маданий тажриба ва миллий анъаналарни ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти тамойиллари талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий дунёқараш ва ўзликни англашнинг замонавий қадриятларини шакллантиришга, миллий истиқлол мафкурасини, миллатни бирлаштирувчи кучли ва таъсирчан омилга айлантиришга интилади.

— миллат руҳиятини маънавий қуллик, давлатга ва жамиятга бегоналик, боқимандалик, ижтимоий пассивлик, ташаббуссизлик, қўрқув каби салбий иллатдан поклаш, ҳар бир фуқаронинг фикрлаш ва ижодий эркинлигига шароит яратиш;

— «Миллий тикланиш» демократик партияси маънавий-маърифий соҳанинг миллий ва умумбашарий қадриятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берган ҳақ-ҳуқуқлар, меъёрлар, шунингдек, бошқа қонунлар мажмуи доирасида қуйидаги асосий йўналишларини белгилайди:

— ҳар бир шахс ва халқда Ватаннинг истиқлол ва истиқболига масъуллик, ер-сув, моддий-маданий бойликлар, миллий қадриятларга эгалик психологиясини шакллантириш;

— фуқароларда ўз халқининг қадру қиммати, ор-номусини эъзозлаш, уларни ҳимоя этиш, фидойилик, миллий ғурур ва шижоат фазилатларини юксалтириш, жамиятдаги барча миллатларнинг тенглиги, ҳуқуқий кафолатланганлигига эришиш, миллат ва Ватан учун масъулликни янада ривожлантириш;

— ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий иштирокларини маънавий қадриятлар асосида кечишини таъминлашга ҳаракат қилиш, демократик қадриятлар, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни миллий ўзига хослик билан уйғунлаштириш ва уларни маънавий қадриятлар даражасига кўтариш. Бу соҳаларда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

— миллий-маънавий ва маданиятга доир меросни ўрганиш, уларни ҳозирги давр ёшларига сингдириш, уларни янги дунёвий қадриятлар билан муштарак бўлишини таъминлаш;

— миллий тикланишнинг асосини миллатнинг эркин фикрлаш, унинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳаётда мустақил бўлиши, ҳар бир фуқаронинг ўз нуқтаи-назарига, ўзи ихтиёр этган мафкурасига эга бўлиши, уларнинг фақат қонунларгагина бўйсуниши ва итоат этиши деб билиш, шунингдек, бу қадриятларни изчиллик билан босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиб бориш;

— комил инсон ҳақидаги ғоялар ва таълимотни инсон омили деб тушуниш, кенг тарғиб этиш, уни миллий маънавиятимиз ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қараш, шунингдек, бу қадриятларни замонавий ва демократик ҳаёт тарзи ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш;

— миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни амалга оширишда халқ таълими органларига ёрдам бериш, унинг мафкуравий йўналишларини бажаришда фаол иштирок этиш;

— ёшлар билан ишлаш юзасидан замонавий талабларга жавоб берадиган илмий билимлар билан қуролланган ва баркамол инсоннинг шаклланишига хизмат қиладиган таълим тизимининг янги миллий моделига ўтиш жараёнининг сифат босқичини қўллаб-қувватлаш, «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури (2005 — 2009 йиллар)» асосида ўқитиш сифатини янада ошириш борасидаги тадбирларда фаол иштирок этиш, айниқса, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари орасидаги катта фарқларни камайтириш бўйича амалий таклифлар билан чиқиш;

— партиянинг бош мақсади Инсон омили билан шуғулланиш, миллий интеллектуал мулкни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, унга кенг имкониятлар яратиш;

— миллий тилни маънавият ривожининг асосий омилларидан бири деб қараш, унинг давлат тили сифатидаги халқаро муносабатлар, илмий, бадиий, ҳаётий муомала, ўзаро алоқа ва бошқа барча соҳаларда кенг қўлланилишига эришиш учун ҳаракат қилиш, айни шу соҳаларда унинг мазмуни ва шаклий жозибаларини тиклаш, давлат тилини умуммиллий бирдамлик манбаи ва рамзига айлантириш;

— мамлакат ҳудудида ва хорижий мамлакатларда ватандошларимиз томонидан яратилган ёдгорликларни ягона маънавий замин ҳосиласи сифатида баҳолаш, жаҳоннинг турли мамлакатларига чиқиб кетган миллий-маданий меросимиз намуналарини уларнинг асл ватани — Ўзбекистонга қайтаришга ҳаракат қилиш;

— ўзбек тилининг шаҳарларда ва айниқса Тошкент шаҳрида қўлланиши борасида назоратни кучайтирмоқ, давлат ва жамоат ташкилотларида ишга қабул қилишда ўзбек тилида оғзаки ва ёзма савол-жавоблар тартибини яратиш, аҳолининг ўзбек тилидаги умумий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш;

— ўзбек тилининг имкониятларини тўлиқ акс эттирувчи, унинг ривожига хизмат қилувчи соҳалар бўйича ўзбекча изоҳли луғатлар яратиш.

Миллий-маданий қадриятларни сақлаш ва муҳофазалаш мақсадида:

— Ўзбекистондаги анъанавий ва халқ маданиятини, хусусан, тил(шева, лаҳжа) мусиқа, рақс, ўйинлар, афсоналар, расм-русумлар, одатлар, ҳунармандчилик, меъморчилик обидаларини муҳофазалаш, сақлаш ва оммалаштиришни кўзда тутувчи дастурлар ишлаб чиқиш, табиий меросни аниқлаштириш ва уни ҳимоялаш, тиклаш ишларини олиб бориш, фольклор материалларини йиғиш ва уни сақловчи архивларни яратиш, фольклорни ўрганиш, изланишлар олиб боришга устуворлик бериш, мактаб дастурларида фольклорни ўқитиш ва ўрганишга эришиш;

— миллий классик мусиқа ва ўзбек классик шеъриятини янги авлод яхшироқ англаши ва тушуниши,

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2004 йил сайловолди

# ДАСТУРИ

**(Давоми.Боши 2-бетда).**

уни қадрлаши мақсадида ўрта мактаб дастурларига классик шеърият — ғазаллар ва бошқа миллий мумтоз мусиқа асосларини услубий ўрганишни йўлга қўйиш;

— маданий ва табиий меросимизни асраш мақсадида республикамиздаги тарихий обидалар, санъат ва фан, этнологик ёки антропологик нуқтаи назардан қийматга эга бўлган жойларни, табиий гўзал манзилларни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш.

Таълим соҳасида:

— олий ўқув юртларига киришни кенгайтириш ва бу билан халқнинг маърифий даражасини кўтариш, халқнинг энг юқори даражадаги саводхонлигига эришиш, таълим олиш учун умумий ва кенг миқёсли имконият берадиган шароитларни яратиш;

— ўқишга талабгорларга кириш имтиҳонларига давлат тест синовлари натижалари билан бир вақтнинг ўзида бошқа институт ва университетларга кириш имкониятини яратиш мақсадида маълум тизим ва тартибни жорий этиш (гуманитар соҳа бўйича ҳужжат топширган талаба бир вақтда тўплаган балига қараб 5-6 та олий ўқув юртини танлаш имкониятига эга бўлсин);

— олий ўқув юртларида контракт тўловларини нафақат оширмаслик, балки аҳолининг даромадларини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзлар тизимини (узоқ муддатли тўлов ва бошқалар) барпо қилиш;

— ҳар йили кириш имтиҳонларидан абитуриентларнинг катта қисми ўта олмаслиги ҳолатини бартараф этиб, ўқишни хоҳловчиларга имконият яратиш мақсадида кириш синовларини бирмунча енгиллаштириб, бир ярим йил давомида саралаш тартибини ва тизимини яратиш;

— олий ўқув юртларида контракт тўловларининг бир қисмини марказлаштирмасдан, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини оширишга қаратиш тартибини жорий этиш йўли билан ўқиш сифатини ошириш;

— «Ўқитувчи-дарслик-ўқувчи» тизимининг ўзаро юксак даражадаги уйғунлигини таъминлаш мақсадида тажрибакор, моҳир, жонкуяр зиёлилар, олий ва ўрта таълим ходимлари, ўқитувчилар, олимлар кучини бирлаштириб, замонавий юқори савияда дарсликлар, қўлланмалар яратилиши учун ўз муносиб улушини қўшиб боради.

Жамоат ташкилотлари ва давлат билан ҳамкорлик соҳасида:

«Миллий тикланиш» демократик партияси ўз фаолиятини жамият сиёсий тизимига кирувчи барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан ошкора, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва фикрларнинг хилма-хиллигини тан олиш асосига қуради;

Партия «Кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурига амал қилади. Бу борада у ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

— партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси «Миллий тикланиш — Ўзбекистон миллий мустақиллигининг асосидир» ҳаракат дастурига амал қилади;

— давлат ҳокимиятининг барча даражаларида кадрларни бошқарув ишларига сафарбар қилиш фақат демократик сайловлар воситасида бўлиши учун ҳаракат қилади;

— миллий армиядаги аскарлар ва зобитлар дунёқарашининг Ватанга муҳаббат, садоқат ғоялари асосида шаклланишига доир тадбирлар мажмуасини биргаликда амалга ошира боради;

— ирқий, миллатчилик, мустамлакачилик, диний айирмачилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, турли шаклдаги экстремизм, ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш олиб боради;

— оммавий ахборот воситаларининг эркин, демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун ҳар томонлама кўмаклашади.

Баркамол ёшларни шакллантириш соҳасида:

— Партия миллий истиқлол мафкурасини ўз қарашларида ифодалайдиган, ўз фикрлаш ва шахсий ҳаётида миллий маънавият қадриятларига садоқатли, ўз мустақил фикрлаш руҳиятига эга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига эътиқод қўйган ёшларни тарбиялашга интилади.

— Партия болалар ва ўсмирлар ўртасида миллий бирлик, миллий давлатчилик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш соҳасида фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотлари, жамғармалар, таълим тизими органлари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик қилади. Ёшлар ўртасида миллий истиқлол мафкураси, маънавият ва маданият, миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни жисмоний тарбия ва ранг-баранг спорт турларини мукаммал эгаллаш билан боғлиқ масалаларни кенг ташвиқот қилади. Уларнинг ҳар томонлама миллий дунёқарашга эга бўлишлари учун чора ва тадбирлар кўради.

— Партия ёшлар ўртасида ишсизликни бутунлай йўқотиш, ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, улар ўртасида спорт, турли миллий ўйинлар, бадиий-маърифий тадбирлар ўтказиш, шу мақсадларни амалга ошириш учун партиянинг ёшлар қаноти — «Миллий уйғониш» ташкилотини тузиш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятларини юксалтириш, уларни жамиятни бошқаришда кенг сиёсий иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

— Ёшлар жамият тараққиётини таъминловчи кучга айланмоғи учун уларга билим олишлари, ўз интеллектуал имкониятларини замон талаблари руҳида тарбиялаб боришлари учун етарли шароитлар яратиш давлатнинг бош вазифаларидан эканлигидан келиб чиқиб, партия ўқитувчиларнинг ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари, врачларнинг жамиятдаги мавқеи, обрў-эътиборини, айниқса, қишлоқ ўқитувчиси ва қишлоқ врачлари, тиббиёт ходимлари нуфузини, уларнинг яшаш ва иш шароитларини тубдан яхшилаш зарурлигини алоҳида таъкидлайди ва ёшларнинг келажакдаги роли ҳамда ҳал қилувчи куч эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг тарбияси билан шуғулланувчи ўқитувчиларнинг, халқнинг соғломлиги даражаси омили — врачларнинг жамиятдаги тутган ўрнига алоҳида аҳамият қаратади. Шу билан бирга, ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидан четда туришини нотўғри деб ҳисоблайди ва барча ёшларни (35 ёшгача «Камолот» атрофида жипслашганлигини ҳам инобатга олиб) жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол жалб этишни маъқуллайди. Ўсмир ва ёшларнинг бўш вақтларини банд этишга йўналтирилган спорт, санъат ва ҳунар тўгарак курслари пуллик эканлигини, аксар аҳолида эса бундай харажатларни қоплаш имкони етарли бўлмаганлигини ҳисобга олиб давлат бу масаланинг ечимини ўқитувчиларга бўлган маънавий ва айниқса, моддий эътиборни кучайтириш йўллари билан топишига ўз ҳиссасини қўшади.

— Партия ўз сафидаги ва унга хайрихоҳ бўлган давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий бошқарув фаолиятларида кенг иштирок этишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Давлат ва жамият бошқарув органларида кўпроқ янгича фикрлайдиган ёшлар бўлиши учун ҳаракат қилади. Бу соҳадаги муаммолар юзасидан давлат органларига таклифлар ва тавсиялар, ташаббуслар билан чиқади.

— Ёшларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги давлат томонидан кафолатланиб, уларнинг илмий ва техникавий ривожланишидаги ижодий иштирокларини рағбатлантиришга доимий эътибор қаратади.

*Кучли давлатдан кучли жамият сари*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун 1994 йил 5 майда қабул қилинган ва унга 1997 йил 26 декабр, 1998 йил 25 декабрь, 1999 йил 19 август ҳамда 2003 йил 30 августда ўзгартиришлар киритилган. Сиёсий партияларнинг бу сайловларда иштироки Қонуннинг 20-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра улар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партиялар сайлов тайинлангунга қадар, аниқроғи сайлов тайинланган кундан камида 6 ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сиёсий партиялардан ташқари бевосита фуқаролар ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, сиёсий партияларнинг сайловларда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кўрсатиладиган муносиб рақиблари мавжуд. Аммо сиёсий партия ўзининг аниқ ва йўналтирилган дастури, шунингдек, уюшган катта сиёсий куч эканлиги билан улардан ажралиб туради.

Қонунда белгиланган сиёсий партиялар номзодлар кўрсатиш тартибига кўра, Халқ депутатлари вилоят кенгашларига сиёсий партияларнинг вилоят органлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига номзодлар эса сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан кўрсатилади.

Улар ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Депутатликка номзодларни танлаш тартибини эса уларнинг ўзлари белгилайдилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни-хайрихоҳларни номзод қилиб кўрсатишлари мумкин. Сиёсий партияларнинг ҳақиқий вазифаси: ҳокимият учун курашиш, сайловларда ғалаба қозониш. Бу эса жуда катта меҳнат, улкан сиёсий фаоллик, маҳоратни талаб қилади. Сайловда шуларга қодир бўлган партиялар ва уларнинг номзодлари ютиб чиқади.

**А. БОБОБЕКОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти талабаси.**

## *ЎзМТДПнинг раҳбар органлари:*

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ**

1. **Дўстмуҳамедов Хуршид** – ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси
2. **Ғафуров Иброҳим** – ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби
3. **Ҳошимов Ўткир** – Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси
4. **Боқиева Гуландом** – Жаҳон тиллари университети проректори
5. **Қозоқов Ортиқали** – Рассом. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби
6. **Жўраев Ашурали** – «Муштум» журнали бош муҳаррири
7. **Йўлчибоев Акмал** – «Наврўз» видео компанияси раҳбари
8. **Машрабов Зокиржон** – Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси
9. **Ҳожиева Ойдин** – «Саодат» журнали бош муҳаррири
10. **Қориева Мунира** – «Жўрабек» хусусий дорихонаси раҳбари
11. **Сайиджонов Ўлмас** – М.Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари раҳбари, халқ хофизи
12. **Абдураҳмонов Қаландар** – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали ректори
13. **Жалилов Раҳматали** – Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари
14. **Саидова Лола** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ» факультети декани
15. **Аҳмедов Аҳрор** – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири
16. **Тошматова Жаннатой** – ЎзМУ маданият саройи директори
17. **Аҳмедова Заҳро** – ЎзФА Микробиология институти лаборатория мудири, фан доктори
18. **Нишонов Ҳотам** – Давлат шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази Сирдарё филиали директори, медицина фанлари доктори
19. **Эргашхўжаева Шахноза** – Халқ хўжалиги институти «Маркетинг» кафедраси мудири
20. **Сиддиқов Абдунаби** – «Оҳангарон-Далварзин» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи ЎзМТДП Пискент туман кенгаши раиси
21. **Қирғизбоев Дилмурод** – «Миллий тикланиш» газетаси нашр муҳаррири
22. **Жуматова Дилрабо** – Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори
23. **Нарзиқулов Насимбой** – Г. В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали иш бошқарувчиси
24. **Файзиева Васила** – «Усто» бирлашмаси бош ҳисобчиси, ЎзМТДП Қибрай туман кенгаши раиси
25. **Раҳмонова Дилбар** – ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси
26. **Йўлчиева Гулнора** – Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари
27. **Эшназарова Шарифа** – ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши раиси
28. **Қирғизбоев Муқимжон** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси доценти

*ЭСЛАТМА:* **Партиянинг Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари раислари ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси ҳисобланадилар.**

**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Раёсат аъзолари**

1. **Дўстмуҳамедов Хуршид** – ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси
2. **Ғафуров Иброҳим** – ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби
3. **Саидова Лола** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ» факультети декани
4. **Ҳошимов Ўткир** – Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси
5. **Мўминов Бахтиёр** – ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси
6. **Аҳмедова Заҳро** – ЎзФА Микробиология институти лаборатория мудири, биология фанлари доктори
7. **Каримов Абдуқаюм** – ЎзМТДП Самақанд вилояти кенгаши раиси

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши котибияти**

1. **Тошматова Жаннатой** – Ёшлар билан ишлаш бўйича
2. **Салимова Шарифа** – Хотин-қизлар масалалари бўйича
3. **Ғафуров Иброҳим** – Ғоявий-мафкуравий масалалар бўйича
4. **Қориева Мунира** – Молиявий масалалар бўйича
5. **Мардонова Гулжаҳон** – Матбуот билан алоқалар бўйича
6. **Аҳмедов Аҳрор ва**
7. **Ортиқали Қозоқов** – Партия имиджи масалалари бўйича

**ЎзМТДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси таркиби**

**Жалилов Раҳматали** – комиссия раиси
**Файзиева Васила** – комиссия аъзоси
**Холмуродова Холида** – комиссия аъзоси

## ҲАР БИР ФУҚАРО ФАОЛ БЎЛСА...

Ҳозир малакатимизда муҳим сиёсий жараён кечмоқда. Парламентга ва маҳаллий кенгашларга сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Юртимиз фуқаролари мамлакатимиз равнақи учун фаол ҳаракат қиладиган депутатларни сайлаш арафасида турицшибди.

Аммо мамлакатимизнинг келажагини ҳал қиладиган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга барча фуқаролар ҳам бирдай масъулият билан қарайдими? Бу саволга баралла «Ҳа!» деб жавоб қайтариб бўлмайди. Чунки, биздаги аксарият кишилар «депутат» ким эканлигини, у нима иш билан шуғулланишини чуқур тасаввур қилмайди. Шунингдек, депутатликка номзодини қўяётганларнинг аксарияти ҳам вазифаси нимадан иборатлигини билмайди. Уларнинг айримлари депутатликка бериладиган имтиёзларга ишқибоз, баъзилар депутатликни мўмай даромад манбаига айлантиришнинг ташвишини қилади.

Биздаги айрим одамлар бу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга эътибор бермайди, умуман қизиқмайди. Сайлов кунида ҳам овоз беришга ҳуши келса боради, ҳуши келмаса, иссиқ ўрнидан қўзғалмайди.

Биз ривожланган мамлакатлар фуқароларининг ҳаёт тарзига, улар эришган турмуш даражасига ҳавас қиламиз. Аммо бизни ҳаваслантирган ўша қулайликларга улар қандай эришганлиги тўғрисида кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Агар шу ҳақда фикрлаб кўрсак, улар бунга ўзларининг фаоллиги туфайли эришганлигига амин бўламиз. Оммавий ахборот воситаларидан маълумки, бу мамлакатларда сайлов жараёни ниҳоятда қизғин кечади. Баҳс, мунозаралар авжига чиқади. Фуқаролар депутатликка номзоднинг шахсини, таржимаи ҳолини «илма-тешик» қилиб таҳлил қилишади. Аввал депутатликка сайланган кишининг фаолиятини ҳам «рентген»дан ўтказиб баҳолашади. Биз эса, депутатлар ишига ҳам , номзодларга муносабат билдиришда ҳам ўзимиз ҳавас қиладиган давлатлар фуқароларидан анча орқадамиз. Чунки, бепарвомиз, лоқайдмиз. Шу бепарволигимиз билан «депутатликка ишқибоз» кимсаларнинг «орзу-ниятларига» етишишлари учун хизмат қилаётганимизни англамаймиз. Ана шу ланжлигимиз ранжини тортиб, бир амаллаб кун кечираверамиз. Ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаганимиз, билишга интилмаганимиз учун ҳам турмушимиз ўнгланмайди.

Яна бир гап, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, баландпарвоз ваъдалар билан кўнглимизни овунтирадиганларга ҳайбаракаллачилик қилиб юраверамиз. Умуман, ҳаётмиздаги нуқсонлар, камчиликлар учун ҳар биримиз масъулмиз. Турмушимиздаги камчиликлар учун бошқаларни айблашга ўрганиб қолганмиз. Бундай дунёқараш билан кун кечириш мумкиндир, бироқ яшаб бўлмайди. Ҳозирги, ҳар соҳада жадал ривожланишлар даврида атрофимизда бўлаётган ҳеч бир воқеа-ҳодисаларга беэътибор бўлмаслигимиз лозим. Ҳар биримизнинг ижтимоий фаоллигимиз турмушимизда ижобий ўзгаришлар рўй беришига олиб келади. Сайловлар жараёнида, шубҳасизки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси нечоғли фаол эканлиги намоён бўлади. Яхши ният-ярим давлат дейди доно халқимиз. Табиийки, яхши турмуш кечириш тарзи барчамизнинг дилимиздаги ният. Бу ниятимиз амалга ошиши учун эса барчамиз бирдек ҳаракат қилмоғимиз мақсадга мувофиқдир. Сайловлар эса бизни шу мақсадлар йўлидаги қадамимиз. Демак, яхши ниятларимизнинг ижобати кўп жиҳатдан мана шу сайловларга боғлиқ эканлигини инобатга олсак, бу кунлар барчамиздан фаолликни талаб қилаётир.

**Анвар АБДУЛЛАЕВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРНИНГ САЛМОҒИ





**(Давоми.Боши 1-бетда).**

қарашларини тўла шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, умуминсоний қадриятлар талаблари асосида миллий тикланиш йўлидан ривожланишга эришиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуришдан иборатдир». Партиянинг янги таҳрирдаги Уставида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун ўз аксини топган деб айта оламиз.

Шундан сўнг музоқаралар бошланди. Музокарада биринчи бўлиб сўз олган Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов қуйидаги фикрларни билдирди:

– XX асрда иккита тарихий воқеа бўлди-биринчиси, инсониятнинг қадами ойга етди. Иккинчиси, Ўзбекистон мустақилликка эришди. 1997 йили Америка бўйлаб сафарга чиқдик. Қайтаётганимизда, самолёт салонида соф ўзбекона сўзларни эшитиб, кўзимдан ёш чиққани ҳақиқат. Лекин Ватанни севиш қуруқ сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг ўзагида шубҳасиз, миллий тикланиш ётади.

Партиямизда шу фикрларга таяниб иш кўрадиган бўлсак, сайловчилар билан учрашувларга халқнинг саволларига жавоб бўла оладиган дастур билан боришимиз керак.

Бошқаларга қандай билмадиму, менимча халқ билан ҳалқа сўзи ўртасида боғлиқлик бордек. Қадимги Римда занжирнинг мустаҳкамлигини синаш учун унинг энг ожиз ҳалқасини узиб кўришган экан. Айтмоқчи бўлганим, орамиздаги лоқайдлик, ўзибўларчиликларга барҳам бериш лозим. Шундагина, партиямизнинг эл олдидаги нуфузи баланд бўлади.

Андижон вилоят кенгаши раиси Абдурашид Тўхтабоев ЎзМТДПнинг Уставига ўзгартиришлар киритиш таклифи билан чиқди ва иқтисод, сиёсат, таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, сиёсий соҳада кадрлар захираси билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйишда эътиборсизлик қилмаслик,иқтисод соҳасида эса, бюджетни бойитиш, қишлоқ хўжалигидаги муаммолар, ишсизлик муаммоларини ҳал этишни ўйлаш зарурлигини айтди.Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, кадрлар масаласидаги ислоҳотларни ҳам қўллаб-қувватлаш бугуннинг долзарб масаласи эканлигини тилга олди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Зуҳра Ботирова жамиятимизда аёлларнинг ҳам катта куч эканлиги, уларга имкониятлардан келиб чиқиб вазифалар берилиши лозимлигини шу билан бирга ЎзМТДП аъзоларининг 52 фоизини аёллар ташкил қилишини яхши кўрсаткич дея баҳолади.

Дарҳақиқат, кўппартиявийлик жамиятда шундай мақсадни олдига қўя олган сиёсий институтгина ҳақиқий партия сифатида ном қозонади. Шунингдек, жамиятда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, айниқса, суд қарорларига фуқароларнинг ишончини ошириш учун суд мустақиллигини таъминлаш юзасидан ҳам «Миллий тикланиш» ўз дастурий ғояси билан чиқиши зарурлиги айтилди. Билдирилган таклиф, мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда сайловолди дастурни қабул қилиш овозга қўйилди. Делегатлар дастурни тасдиқладилар.

ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, кенгаш раёсати, котибияти, тафтиш комиссияси сайланди. Партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳарририни сайлаш масаласи ҳам Қурултойда кўриб чиқилиб, газета бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров ўз вазифасига тасдиқланди. Кун тартибидаги навбатдаги масала-Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси сайловига номзод кўрсатиш эди. Бу бўйича Марказий кенгаш тавсияси делегатлар ҳукмига ҳавола этилди. Қурултой уни бир овоздан маъқуллади.

Табиийки, парламент юқори палатаси — Сенатнинг шаклланиши маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловдан бошланади. Шу боис партия Марказий кенгаши котиби Иброҳим Ғафуров бу йил маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловнинг ўзига хослиги ҳақида гапириб, партия қуйи ташкилотларини туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сайловига катта аҳамият билан қарашга чақирди.

Қурултой қатнашчилари билан партия ишчи ҳайъати ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Қурултой якунида ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов йиғилганларни сайловни кенг ташвиқот остида ўтказишга даъват этди.

*Зумрад ВАҲОБОВА,*
**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,**
**«Миллий тикланиш» махсус мухбирлари.**

### ҲАДИСИ ШАРИФДАН

**Одамларга кенг қалбли бўлинг, шунда одамлар ҳам сизга шундай бўлурлар.**

* * *

**Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.**

* * *

**Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.**

* * *

**Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.**

* * *

**Саломлашиб юринглар, одамларга таомединглар, Тангри буюрганидек биродар бўлинглар.**

* * *

**Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.**

* * *

**Ҳар бир қилинадиган яхшилик садақа савобига тенгдир.**

* * *

**Тангрининг наздида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир.**

# ЯНГИ КИТОБ – ЯНГИ ҚАДАМ




Ҳар бир мамлакатнинг тараққий этиш жараёнида асосий омил — иқтисодий муносабатларнинг мукаммаллигидир. Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи айни шу талабни амалда исбот қилиб келмоқда.

Давлатимиз янги ижтимоий–иқтисодий муносабатларни жамиятимиз ҳаётига сингдираётган бир пайтда, меҳнат тўғрисида илмий– амалий тушунчаларга эга бўлиш, меҳнатнинг инсонлар муносабатларидаги объектив ўрнини муҳимлигини исботлаб бериш қийин бир мураккаб иш эмас. Лекин, шу муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўйича дарслик тайёрлаш осон ҳам эмас. Етук олим, аллома иқтисодчи **Қаландар Абдураҳмонов** тайёрлаган **«Меҳнат иқтисодиёти»** дарслиги ўйлаймизки кўп иқтисодчи мутахассисларга, айниқса иқтисодий олийгоҳлардаги профессор–ўқитувчилар учун анчадан бери кутилган муҳим ўқув қуроли бўлиб кириб келди.

Ушбу дарслик кўп иқтисодий назариялардан фарқли ўлароқ ўзимизнинг миллийлигимиз булоқларида суғорилган ва пойдевори буюк аждодларимизнинг меҳнат ва иқтисодий дунёқараш фикрларига қорилган бўлиб ўқувчида алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ҳар бир фан ўзининг назарияси, услуби ва амалиётига эга бўлади. Иқтисодиёт назарияси ва амалиёти кўп йиллардан бери фанга маълум бўлса унинг таркибида меҳнат иқтисодиёти ҳам унчалик чуқур ўрганилмаган, мутахассислар, шу жумладан жаҳоннинг кўпгина илмий иқтисодий марказларда ҳам бу муаммога шу пайтгача деярли эътибор берилмаган.

Шу нуқтаи назардан меҳнат иқтисодиётининг назарияси ва амалиётига мустақил Ўзбекистон иқтисодчи олимлари илк бор қўл урганликлари бизни ниҳоятда қувонтиради.

Халқимизнинг энг муқаддас қадриятларидан бири– меҳнатни улуғлаш, меҳнат орқали даромад олиш, унинг меваларини инсонлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш иқтисодий жараённи дарслик бобларининг ҳар бир варағида ижтимоий ва чин инсоний моҳиятлари очиб берилган.

Шунинг учун ҳам бу китоб нафақат иқтисодчи мутахассис ва талабалар учун, ҳатто оддий китобхонларда ҳам катта қизиқиш уйғотади ва бугунги бозор муносабатларига хос янги иқтисодий ибора ва тушунчаларга бой манба ҳисобланади.

Энг асосийси, дарсликдан ўрин олган барча мавзу ва матнлар ўқувчиларга тушунарли ёзилган. Бу муаллифнинг кўп йиллик бой амалий педагогик тажрибасидан далолат бериб турибди.

Профессор **Қ. Абдураҳмонов** «Меҳнат иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича Г. В. Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институтини (1968 йил) тугатган.

Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланишнинг минтақавий муаммолари бўйича (1990 йил) иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олган. Кўплаб халқаро миллий академияларнинг ҳақиқий аъзоси. Жумладан, Россия Ижтимоий фанлари академияси; Минтақалараро Меҳнат ва иш билан бандлик академияси; Олий мактаб фанлари халқаро академияси; Нью– Йорк (АҚШ) фанлар академияси; Россия Табиий фанлар академияси ва Бутунжаҳон география жамиятининг ҳақиқий аъзоси (академиги)дир. 400 босма табоққа яқин илмий ишлари чоп этилган. 20 дан ортиқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи.



«Меҳнат иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича 30 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторлари тайёрлаган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича илмий амалий конференциялар ва симпозиумларда маърузалари билан қатнашган.

Иқтисодий фанларнинг бугунги мураккаб томонларидан бири, уларнинг ўзбек атамаси жиҳатидан ҳали етилмаганлиги ва айрим ибора ҳамда фикрларни талаба ўқувчиларга етказиб бериш услубларининг такомиллашмаганлигидир. Шу нуқтаи назардан **«Меҳнат иқтисодиёти»** дарслигининг бугунги ўрни ва аҳамияти жуда баланд.

Ўзбек дарслигини тайёрлашдаги яна бир муҳим янгилик бу китобдаги ҳар бир жадвал ва чизмалар бевосита дарслик жараёнида видео ва электрон услублари орқали аудиторияда ҳамда компьютер ёрдамида ўрганишга имкон туғдиради.

Ҳамкасбимиз, профессор **Қаландар Абдураҳмоновни** бу дарсликни юқори савияда тайёрлаганликлари учун миннатдорчилик билдириб, мустақил Ўзбекистонимиз учун юқори малакали иқтисодчиларни тайёрлашда янгидан– янги муваффақиятларга эришишига тилакдошмиз.

**Саидаҳрор ҒУЛОМОВ, академик,**
**Баҳодир ХОДИЕВ, профессор.**

## Муштарий илҳоми

### БОЗОРДА...

*Нархини осмонга қўяди осиб,*
*Пойабзалин мақтаб сотади косиб,*
*Топгани ўзига қилмайда насиб,*
*Бозорда қолмади инсоф, диёнат.*

*Даллолнинг тили—пул, тинмай жаврайди,*
*Соддароқ одам кўп, осон аврайди,*
*Ширинкама берсанг, узоқ сайрайди,*
*Бозорда қолмади инсоф, диёнат.*

*Чайқовчи топяпти қийнамай жонни.*
*Ахир пул нималар қилмас инсонни,*
*Ҳамма ҳам ўйламас виждон, имонни,*
*Бозорда қолмади инсоф, диёнат.*

*Текин таом порахўрга ёқади,*
*Қассобни калла—ю, тери боқади,*
*Харидор чўнтакнинг чангин қоқади,*
*Бозорда қолмади инсоф, диёнат.*

*Асли ҳар нарсанинг яхшидир ози,*
*Одамзод озига бўлмайди рози,*
*Олғирнинг қўлида қийшиқ тарози,*
*Бозорда қолмади инсоф, диёнат.*

*НУРБЕК РАҲИМ.*
*Фарғона вилояти*
*Ёзёвон тумани.*

## Спорт оламида

### Реферини дўппослади

Шундай юрт спортчилари бўладики, улар ғалаба учун барча нарсага тайёр туришади. Бундайлар сирасига аргентиналикларни яққол мисол қилиб олиш мумкин. Уларни футбол баҳсларида қандай ҳаракат қилишини бутун жаҳон билади. Лекин ҳозир гап футбол ҳақида эмас, балки профессионал бокс тўғрисида. Ушбу юрт шарафини ҳимоя қилиб келадиган Леонардо Амитрано ўзининг салбий ҳаракатлари орқали энди катта спорт билан хайрлашишига тўғри келади.

Амитрано енгил вазнлилар тоифасида рингга кўтарилади. У ўзининг сўнгги баҳсини мексикалик Эрнан Валенсуэллога қарши ўтказди. Амитрано ўз фаолияти давомида ҳеч қачон мағлубият аламини тотмаган. Бу сафар ҳам у рақибини олтинчи раунддаёқ полга қулатди. Рақиби саккизинчи сонияда ўзига келди. Ўйинни бошқарган олтмиш ёшли рефери Пабло Альтавелла унга ёрдам бериб, ўрнидан турғизиб қўйди. Реферининг бу ишидан эса Амитрано дарғазаб бўлиб, уни дўппослай кетди. Ахир рефери рақибга кўтарилишига кўмаклашаётган эди. Қария учинчи зарбадан кейин ҳушидан кетди ва касалхонага жўнатилди.

—Мен 25 йилдан бери рингда бўлсам,— дейди рефери журналистларга берган интервьюсида.— Бирор марта бунақанги тўқнашувларга тўғри келмагандим...

Айни кунларда рефери соғлиғини тиклаб зўравонни судга берган.

### Пулми, меҳрми...

Америка хоккей лигаси баҳслари ҳаммада қизиқиш уйғотиши табиий. Шиддаткор баҳслар, даҳанаки жанглар, ғалабага бўлган интилиш барча—барчаси хоккейга хос бўлган лаҳзалар, мухлислар томонидан ўзгача бир руҳда қабул қилинади.

Бироқ, бу спорт тури ҳам камчиликлардан холи эмас экан. Сўнгги йилларда ёш хоккейчилар клуб раҳбарларидан, айниқса, касаба уюшмалари фаолиятидан қаттиқ норози. Айтишларича, улар бир ўйинчининг хатоси учун ҳаммадан бараварига пул ундираётганмиш.

—Нега энди мен бошқаларнинг хатоси учун пул тўлашим керак? — дейди «Флорида» ёш ҳужумчиси Юрай Колник.— Бу ақл бовар қилмайдиган ҳолат. Аслида, йигитлар фақат маош учун майдонга тушаётганлари йўқ. Улар хоккей ўйнашни жуда исташади. Мабодо бепул ўйнаш керак бўлганда ҳам биз барибир хоккейни тарк этмасдик. Раҳбарларимиз худди шу нарсани эсда сақласалар ёмон бўлмасди.

### Фожиалар допингга боғлиқми?

Сўнгги икки йил жаҳон футболи аҳли майдон ва унинг ортида рўй бераётган нохуш ҳолатлар, яъни футболчиларнинг ўлими билан боғлиқ бўлаётган муаммолар гирдобига тушиб қолди. Ўтган йили Конфедерациялар кубоги баҳсларида камерунлик Марк Вивьен Фое ўйиннинг ўрталарида ҳушидан кетиб майдонга йиқилганди. Камерунлик иқтидор эгасини шу захотиёқ тез тиббий ёрдам машинасида шифохонага жўнатишади. Афсуски, ўйинчи у ерга етмасдан вафот этади. Ўтган ойда Англия чемпионати иштирокчиси сенегаллик Халилу Фадига машғулот пайтида ҳушидан кетади. Шифокорларнинг саъйи–ҳаракатлари натижасида 3 соат давом этган операциядан сўнг футболчи ҳаётга қайтарилди.

Шу ойнинг илк кунларида Бразилиядан яна совуқ хабар тарқалди. Маҳаллий чемпионат қатнашчилари «Сан—Паулу» — «Сан—Каэтано» жамоалари ўртасида ўтаётган учрашув пайтида фожиа юз берди. «Сан—Каэтано» жамоаси ҳимоячиси Серժиньо юрак ҳуружидан майдонда жон берди.

Шифокорлар мазкур ҳолатларни допингга боғлиқ эканини таъкидлашмоқда. Чунки, футболчилар яширинча қабул қиладиган қувватни оширувчи препаратлар маълум вақтдан сўнг ўз кучини йўқотади. Бу вазият нормал ишлаб турган юракка тез таъсир қилади. Оқибати эса ҳаммага маълум.

**Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**



*Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Банк коллежида 1782 нафар ёшлар таълим олмоқда.*

*Республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшларга замонавий ахборот технологиялари ёрдамида сабоқ берилади. Бу ўқув масканида банк—молия мутахассислари, кичик ва ўрта бизнес соҳаси учун малакали кадрлар тайёрланади.*

*Коллежда «Ахборот технологиялари маркази» ташкил этилган. Марказда энг сўнгги авлод компьютер техника ва технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд. 25 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона талабалар хизматида.*

**Суратда: Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Розия Гилеуш (ўртада ) ва кутубхоначи Нилуфар Абдусаматова, Дилнора Маҳкамовалар.**

**НЎЪМОНЖОН МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Ношукурлик

Уйида ёлғиз қолган қизча қўнғироқ чалиниши билан эшикка қараб ошиқди. Аммо эшикда у кутган одамлар эмас, бир лўли аёл турарди. Қизим, менга нон олиб чиқиб бермайсанми, деди кутилмаган меҳмон. Қизча дарров орқасига қайтди—да, битта нонни кўтариб қайтиб чиқди. Аммо қизни уйда ўзи ёлғизлигини пайқаган лўли аёл энди уни аврай бошлади: Дадангни пулларини олиб чиқсанг, мен дуо қиламан. Кейин тезда бойиб кетасизлар. Даданг сенга истаган нарсангни олиб беради...

Адиба пул излаб уйга қайтиб кирди—да, дадаси пул қўядиган шкафдаги қутичани титкилаб, пул ахтара бошлади. Шу пайт катта акаси Шодмон мактабдан келиб қолди. Синглисига у «Нонга шукур қилмаган тиламчи пулга шукур қилармиди» деб бундан кейин хушёрроқ бўлишни тайинлади.

**Зарифа ДИЛМУРОДОВА,**
**Алишер Навоий номли республика нафис—санъат лицейи ўқувчиси.**

## «ТЎЁНА» ТОРТИ

*Дастурхон кўрки*

**МАСАЛЛИҚ:** 4 та тухум,1,5 стакан шакар, 200гр. сариёғ, 0,5 чой қошиқ сирка, 300 гр. мураббо, 2 стакан ун, 200 гр.ёнғоқ мағзи.

**ТАЙЁРЛАШ:** Тухум сариғини 1 стакан шакар ва юмшатилган сариёғ билан аталаб кўпиртирилади. Унга сиркада эритилган сода билан озгина туз қўшилади ва хамир қорилади.Хамирдан юпқа кулчалар ясаб, 180—200 градус ҳароратда пиширилади.Кулчалар совутилгандан сўнг, устига крем суртиб, майдаланган ёнғоқ мағзи сепилади.



**КРЕМ ТАЙЁРЛАШ:** Тухумнинг оқини 0,5 стакан шакар билан кўпиртириб, озгина мураббо қўшилади.

## МАСЛАҲАТХОНА

Турли машиналарга ёқилғи сотувчи ходимлар ҳар ҳафтада ошқозонини қатиқ зардоби билан ювиши лозим.Бунинг учун қатиқ зардобини оч қоринга 1 литр ҳажмда ичиб, бошқа овқат емай турилади. Ҳар куни уйқуга ётишдан аввал 1 пиёла қатиқ зардобидан ичищ ҳам яхши самара беради. Акс ҳолда табобатда « бензин » касали деб аталувчи сурункали хасталикка чалиниб қолиш ҳеч гап эмас. Босмахоналарда ишловчилар ҳам шу усулдан фойдаланганлари маъқул. Чунки, уларда « қўрғошин » касалига чалиниш хавфи бор.

* * *

Оёқни чалиштириб ўтиришнинг оёқ сиҳатлигига зарари катта, бунинг устига ўта беодоблиқдир.

* * *

Темирэткини даволашда ёнғоқ барги қайнатмаси кони фойдадир. Дарддан фориғ бўлгунингизча ушбу қайнатма билан бот—бот терингизни намлаб туринг.

* * *

Оёқ панжалари орасида, қўлларда пайдо бўлган қадоқларга лимон ёки саримсоқ пиёз бўлакларини бир ҳафта, 10 кун мобайнида ҳар куни янгилаб боғлаб турилса, қадоқлар йўқолиб боради.Улар яна пайдо бўлмаслиги учун қовурилган ёғли овқатлардан парҳез қилиш керак. Шунингдек, қази, кабоб, .мош, қўй ёғи, мол ёғи қўшилган таомлардан ҳам истеъмол қилмаслик лозим.Дўкон ширинликлари ( қанд ва шакардан бошқа ), қандолатчилик маҳсулотлари, қаҳва, какао, иссиқ нон, юмшоқ нондан ҳам парҳез қилишга тўғри келади.Қатиқ, сутли овқатлар, асал, ҳамма мевалар, сабзавотлар ва қовурилмаган ёки фақат пиёзигина қовурилган овқатлар еган маъқул. Сабаби, қадоқлар ҳам одамнинг иссиғи ошиб кетишидан пайдо бўлади.

* * *

Апельсин ва лимонни узоқ сақлашни истасангиз, уларнинг устига доғ қилинган пахта ёғ суркаб, усти ёпиқ идишда ёки салафанда, салқин жойда сақланг.

* * *

Қуруқ чойнинг ҳидини хушбўй қилиш учун унга лимон ёки апельсиннинг қуритилган пўчоғидан солиб қўйинг.

**МАНСУБА ТЎПЛАДИ.**

## АЛДОВ

Кундалик ташвишлар, ҳаёт муаммолари ҳамиша ҳам мавжуд бўлиб келган. Ҳар бир киши уларни имкон қадар енгиллаштиришга, яхши яшашга интилади. Ўзидан ортиб бошқаларга ёрдам берадиган, хайрли ишлар қилишни ўз ҳаёт мазмуни деб биладиган, кишилар ўй-ташвиши билан яшайдиган инсонлар кўп. Уларни бир сўз билан "яхши одамлар" дейишади. Шунданми, бир-бировга "ҳаётда яхши одамларга учраб яшанг" деб тилак билдирадилар. Бир жиҳати, бу тилакда ёмон ниятли, кишини адаштирадиган одамлардан сақланишга ҳам ишора бор. Дарвоқе, сўзимиз текин бойлик орттириш йўлида ўзгалар ҳаётини издан чиқаришдан қайтмайдиган кимсалар ва улар алдовининг оқибатлари ҳақида.

Эътибор қилсангиз, кўпчилик жамоат жойлари, йўловчи транспорт воситаларида "Сизни хорижга ишга таклиф қилишяптими, шошилманг, алданиб қолманг" мазмунидаги рекламаларни кузатасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало ҳар бир юртдошимиз биз учун қадрли, уларни бундай огоҳликка ундаш ҳам шу қадр ифодасидир. Кишиларнинг турмуш ташвишлари-ю қийинчиликларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринувчилар йўқ эмас. Бундай кимсалар кишиларни ёлғон ваъдалар билан авраб турли баҳоналар билан хорижга чиқаришгач, ҳимоясиз қолган фуқароларга бемалол ўзларининг кимлигини, асл мақсадини айтиб, уларни ҳатто ноахлоқий ишлар билан шуғулланишга мажбур қилганликларига, афсуски, баъзан гувоҳ бўлиб турамиз.

Тошкент шаҳрида яшовчи, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Лилия Дагай ва унинг шахси номаълум "Трофим", "Али" лақабли ҳамтовоқлари ҳам текин пул топиш илинжига тушадилар. Бу "учлик"нинг бири кишиларни хорижга чиқиб ишлашга авраб кўндириш, бири четга чиқариб олгунча қисқа муддатли визалар тўғрилаш, яна бири Анқарада туриб "илинган"ларни қабул қилиш ва жиноий фаолиятнинг асосий қисмини амалга ошириш билан шуғулланишга келишиб оладилар. Балки Лилия Дагай ўз шахсий муаммолари, қарамоғидаги уч нафар фарзандини боқиб катта қилиш ташвишини номаълум шерикларидан ҳар бир "ўлжа"си учун олинадиган 50 доллар билан осонгина ҳал қилмоқчи бўлгандир. У бундай ҳаракатнинг жиноят эканлигидан ҳам кўз юмади. Ахир ҳаёт қийинчиликлари аслида бир синовдай гап, инсон — инсон экан, ҳар қандай муаммо ҳам ҳеч қачон кишининг жиноятга қўл уришини оқламайди.

"Трофим"нинг қабиҳ таклифини суриштириб ўтирмасдан қабул қилган Лилия Дагай илк "ўлжа"си Кузнецова Р. (исм-фамилияси ўзгартириб берилди)га Анқарада хонанда қизлар ансамблида рақкосалик қилишни, яхшигина пул ишлаб топишини ваъда қилиб, унинг шахсий ҳужжатларини олишга эришади. Ниҳоят кўп ўтмай Кузнецова Р. келишилганидек, Туркияда "Али"га учрагач, унинг ёнида ўзидай мушкул аҳволда қолган, турли республикалардан келган бошқа қизларни ҳам кўриб боши берк кўчага кириб қолганини англайди. Унга "Али" ҳеч қанақа машшоқ қизлар йўқлигини, бу ердаги алданиб келганлар фоҳишалик қилишга мажбур эканини, акс ҳолда аҳвол бундан ҳам оғир бўлишини дўқ-пўписалар билан тушунтира бошлайди.

Бу вақтда эса бировларнинг ҳаётини барбод қилиш эвазига топилган пулдан ҳазар қилмаган Лилия тезда иккинчи "ов"ни илинтиришга улгуради. Лекин уларнинг қабиҳ режалари охиригача амалга ошмади. Чунки полиция ходимлари жиноят жойида Кузнецова ва бошқаларни бу мудҳиш вазиятдан сақлаб қолишга улгурган эди...

Лилия Дагай ҳам жиноят устида қўлга тушди ва яқинда бўлиб ўтган Миробод туман судида бу жиноий иш фош қилиниб, Л. Дагай устидан айблов ҳукми чиқарилди.

Шу ўринда юқорида биз тилга олган рекламадаги сўзларни такрорлагимиз келади: "Сизни хорижга таклиф қилишяптими, шошилманг, алданиб қолманг". Бу ишлар билан шуғулланувчи масъул идоралар, масъул кишилар билан маслаҳатлашишгина кишиларни ҳар хил кимсаларга чув тушиб қолишдан асрайди, шу билан бирга, фуқаролар ўз шахсий ҳужжатларини кимлардир ҳар қанақа важ кўрсатишса ҳам уларга ишониб бериб қўйишлари шундай оқибатларга олиб келишини юқоридаги каби айрим ҳолатлар кўрсатади. Демак, бу борада жамоатчилик, айниқса ҳуқуқшунос мутахассислар жойларда тушунтириш ишларини кенгроқ олиб боришлари, бунга ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги зарур деб ўйлаймиз.

**Сурайё ЯКУББЕКОВА, Тошкент шаҳар Миробод туман судининг судьяси.**
**Сайёра АЗИЗОВА, журналист.**

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов туманидаги 1-клиник Тош Гос МИга қарашли медицина билим юрти томонидан Носирова Жамила номига 07.01.1989 йилда берилган № МТ 991540 диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти «Шарқ» НМАК газета комплекси бошлиғи Ҳабибулла Турсуновга онаси **Шаҳодат СУЛТОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 129. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00